

## БОКИЙ ФИКРЛАР

Билимни буюк бил, уқувни улуф, Шу икков улуглар кишини түлиң.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \*

معرفت

1931-yildan chiqsa boshlagan 2010-yil 10-fevral, chorshanba № 11 (8244) ISSN 2010-6416

## ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ КИМ(ЛАР) БУЛАДИ?

умумтаълим мактаблари фан муаллимлари танлови юқори босқичга чикмоқда



Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг айни пайтда вилоят ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 217-мактабда чизмачилик фанидан Тошкент шаҳар босқичи бошланди. Унда пойтахт туманларида ушбу фан бўйича ғолибликни кўлга киритган ўқитувчиларнинг билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилмоқда. Ҳозирга қадар танловнинг учта, яъни иштирокчи ўқитувчилар мутахассислиги бўйича танловга тайёрлаб келган ишларини намойиш этиб, амалий машғулот ва намунавий очик дарс шартлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишмоқда.

(Давоми 6-бетда)

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

"ОЧИҚ ДАРСПАР ФЕСТИВАЛИ"

УНДА ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШАДИ

2–3-бетлар

BOBUR – DILBAR SHAXS

7-бет

МАКТУБИМНИ ОПДИНГИЗМИ?

11-бет

ДУНЁНИ УЧ ЯРИМ МАРТА ЯЁВ КЕЗГАНДА

«Шамол қизи» саёҳатномасидан

12-бет

## ИЗЛANIШ – ИСТИҚБОЛГА КЎМАК

Янгиликларга интилиш ва ҳаракатчанлик ҳар қандай соҳа мутахассисининг истиқболига кўмак бўлади. Бунинг учун нафақат қизиқиш, балки кучли чидам ва сабот ҳам керак.

Наманган шаҳридаги 8-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Акмал Мамадалиев ҳам улкан чўққиларни кўзлаб, дадиллик билан одимлаётган ёш мутахассислардан. У ўз касбини ардоқлаб, тинмай изланади, замонавий педагогик технологиялардан, ўқувчилар-эътиборини жалб қилувчи интерфаол усуллардан, дарс ўтишининг ноанъанавий услубларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қиласди. Жонкуяр устознинг шогирдлари шаҳар, вилоят фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб қайтишаётгани унинг тинимсиз изланишлари самарасидир.

Ўқитувчи «Февраль – математика ва информатика фанлари ойлиги» муносабати билан ўтказилаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этиш билан бирга ўқувчиларининг ҳам намунали иштирок этишини таъминламоқда.

Ҳозирда ўз касбига меҳр қўйган муаллим дарсдан ташқари "Ёш математиклар" тўғарагини ҳам бошқариб келмоқда.

Суратда: А.Мамадалиев дарс жаёнинда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



### KELTIRISH FORMULALARI

$$\sin(2 \cdot 360^\circ + 150^\circ) = \sin 150^\circ, \cos(2 \cdot 360^\circ + 150^\circ) = \cos 150^\circ$$

$$\sin(180^\circ - 30^\circ) = \sin 30^\circ, \cos(180^\circ - 30^\circ) = -\cos 30^\circ$$

$$\sin(\alpha + 2\pi k) = \sin \alpha, \cos(\alpha + 2\pi k) = \cos \alpha, k \in \mathbb{Z}.$$

$$\sin(\pi - \alpha) = \sin \alpha, \cos(\pi - \alpha) = -\cos \alpha$$

$$\operatorname{tg}(\alpha + \pi k) = \operatorname{tg} \alpha, k \in \mathbb{Z}$$

$$\sin\left(\frac{\pi}{2} - \alpha\right) = \cos \alpha, \cos\left(\frac{\pi}{2} - \alpha\right) = \sin \alpha$$

**9-fevral – Alisher Navoiy tavallud topgan kun**

## ЮКСАК ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бой маънавий меросимизга, миллий айна ва қадриягларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Юртимизда буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги кенг нишонланётган шу кунларда бу яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Анъанага кўра 9 февраль куни пойтахтимиздаги шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи эрта тонгданоқ ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маданият ва санъат на民政ндари, ўқитувчилар, маънавият тарбиботчилари, талаба ёшлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимиздаги халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнда Ватанимиз мустақилларининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларни теран тафқур, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўлами ишлар ўзининг юксак самараларини берадиганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар улуғ алломаларимиз, жумладан, Алишер Навоийнинг бой бадиий-илмий меросини асрар-авайлаш, атрофлича ўрганиш

ва ундан навқирон авлодни она Ватнга муҳаббат, миллий истиқбол foяларига садоқат, тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда яққол на-моён бўлмоқда. Шоир асарларида тараннум этилган инсонпарварлик, бағрикенглик, саҳоват, меҳр-муруват foялари юртимизда баркамол авлодни вояга етказишда, ижтимоий адолат, бунёдкорлик, яратувчанлик соҳаларида эришаётган улкан мұваффақиятларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов Алишер Навоий ижоди асрлар оша инсониятни эзгулик, поклик, ҳамжиҳатлик, тинчлик, аҳиллик, камолот сари ундан келаётганини таъкидлади.

Шу боис унинг асарлари бутун башариятнинг, жумладан, туркман халқининг ҳам маънавий мулкига

айланган. Улуг шоирнинг асарлари жаҳон халқлари томонидан катта қизиқиши билан ўрганилмоқда, кўплаб хорижий тилларга таржима килинмоқда, нашр этилмоқда.

Шоир ҳайкали пойига гуллар кўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчisi X. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари А. Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

\* \* \*

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида мушоира бўлиб ўтди.

Алишер Навоийнинг ижодий месосига бағишинган маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари, мушоиралар, адабиёт ҳафталиклари, иммий анжуманлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, пойтахтимиздаги таълим масканларида, маънавият ва маърифат даргоҳларида, кутубхоналарда, маҳаллаларда давом этмоқда.

Назокат  
УСМОНОВА,  
ЎЗА  
мухбири

## “ОЧИҚ ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ”

УНДА ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР  
ОММАЛАШАДИ

Хабарингиз бор: Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида мамлакатимизда 8501та мактаб замонавийлик қиёфа касб этиб, маддий-техника базаси таомиллашди. Ушбу мактаблар мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари, спорт анжомлари билан таъминланди. Бу билан юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Халқ таълими тизими ходимлари олдида турган навбатдаги вазифа - эришилган мұваффақиятларни мустаҳкамлаган ҳолда фарзандла-

## Rasmiy bo‘lim



римизга таълим-тарбия бериш самарадорлигини янада оширишдан иборатdir.

Бунда таълим муассасаларида ҳар бир машғулотнинг самарали ташкил этилиши мухим аҳамият касб этади. Шу нуткаи назардан, Халқ таълими вазирининг томонидан таълим-тарбия бериш тизимини таомиллаштириш, ҳар бир фан йўналишида ташаббускор, ижодкор ва илғор педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини очик дарслар орқали кенг намойиш қилган ҳолда оммалаштириш мақсадида “Очиқ дарслар фестивали”ни ўтказиш ҳақида”ги бўйргу қабул қилинди.

Мазкур бўйруққа кўра, умумтаълим мактабларида “Очиқ дарслар фестивали”ни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби, ўтказиш тартиби, иштирокчи ҳақидаги маълумот тақдим этиш шакли тасдиқланиб, 2010 йил март ойидан бошлаб таълим тизимида, умумтаълим мактаблари фаолиятида жорий этилиши белгиланди.

Газетанинг З-саҳифасида мазкур бўйруқ асосида тасдиқланган “Очиқ дарслар фестивали”ни ўтказиш тартиби”, “Иштирокчи ҳақида маълумотнома” хукминизгиза ҳавола этилмоқда.

## БУ ҚУЁШНИНГ «ҲАЗИЛИ» ЭДИМИ?

Лебедев номидаги Қуёш физикаси институтидаги ходимларнинг маълум қилишича, сўнгги кунлари гайдоддий ҳолат кузатилган. Аниқроғи, Қуёшда бир сутка ичидага 22 марта таъбаба кучли ва ёрқин нурлар таралгани сезилган.

Олимлар улардан 18таси С синфига тегишли бўлса, қолган 4тасини ундан ҳам кучлироқ М гурухига киритиш мумкин дейишимоқда.

Этиборлиси, вақти-вақти билан содир бўладиган бундай нурланишлар бутун 2009 йил давомида ҳам худди шунча марта қайд этилганди. Айтиш зарур, мазкур ҳолатнинг бир кунда юз бериши охирги беш йил мобайнинда ҳали кузатилмаганди.

Кўёшдаги бу каби ёрқин нурланиш ҳолатлари рентген нурларининг кувватига боғлиқ. Тадқиқотчilar «оловли шар»нинг фаоллиги Ерга деярли таъсир кўрсатмаслигини ҳам айтишмоқда. Бунинг сабаби, сайёрамиз Қуёш фаоллиги марказидаги планеталараро магнит майдонидан анча узоқда жойлашганида.

тўйинтириш ҳам мумкин. Бу ҳақда «Гранчгайер» манбасида элон қилини.

Компания ходимлари ушбу электр кувватидаги электродларни мувофиқлаштириш ва уларда қалайнинг парчаланиш жараённинг олдини олиш эвазига мұваффақиятта эришган. Янги турдаги аккумуляторлардан мобиль телефонларидаги фойдаланиш ҳақида ҳали ёч қандай маълумот йўқ. Бойси, ҳозирча улар баъзи бир транспорт воситаларида қўлланыш учун мўлжалланган. Сотувга «Имекс» технологиялари асосида яратилган батареялар жорий йилнинг охирида чиқарилади.

**Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлadi.**



олишга мажбур бўлган.

Автоконцерн президенти Акио Тойода носозликлар имкон қадар қисқа муддатларда бартараф этилишини таъкидлади. Ҳозирда «Prius», «Sai», «Lexus HS250h» ва «Prius-PlugIn» моделлари қайтарилиши аниқ бўлди.

## 20 ЙИЛГА ЕТАДИГАН КУВВАТ МАНБАЛАРИ

«Имекс» компанияси томонидан 20 йилгача фойдаланиш имконини берадиган литий ионли аккумуляторлари яратилди. Қолаверса, уларни 10 минг маҳоратда қайта электр куввати билан



## ВАЙРОНАЛАР ОСТИДА БИР ОЙ

Гаитидаги ҳалокатли зилзиладан сўнг вайроналар остида омон қолган 28 ёши эркак топилди, деб ҳабар берди БЕЛТА. Эдвал Мунис исмли бу одам мамлакат пойтахти Порт-о-Пренсдаги вайрон бўлган уйлардан бирда деярли бир ой давомида озиқ-оқоқатсиз жон саклаган.



212 минг кишининг ёхетини олиб кетган оғатдан кейинги шунча вақт ўтса ҳам, унинг тирик қолгани кўпчиликка мўъжизадек тулоимоқда. Бунинг устига, Гани хотуматомидан анча олдин кутқарув операциялари тўхтатилганди.

Жабрланувчининг ўзи эса уни ким кутқаргани тўғрисида бирор-бир маълумот берга олмади.

— Вайроналар остида ёттанимда кимдир менг вақти-вақти билан сув олиб келиб турди, — деди у воқеани изоҳлар экан.

Мунси маҳаллий шифохонага оғир аҳволда олиб келинган. Бироқ шифокорларнинг айтишича, унда ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ёч қандай оғир жароҳатлар аниқланмаган.

## ИЛК СИНОВ ПАРВОЗИ

«Боинг» корпорациясининг янги таомиллаштирилган «Boeing-747-8» юк авиаляйери биринчи маротаба самога кўтарилиди. ИТАР-ТАСС маълумотларига кўра, самолёт корхонанинг Эверетте (Вашингтон штати)даги синон аэроромидан парвоз қилган.

Айтиш жоизки, корпussenинг узунлиги 76 метрга teng улкан юк лайнери режалаштирилганидан ҳам бир йил кеч синовдан ўтди. Мутахассислар фикрича, мөдленинг ҳавода хавфсиз учиси синон мұваффақиятли кечган. Учиш майдончада самолёт тезлиги оширилган пайтда соатига 166,5 км. ga teng кўрсаткич қайд этилган.

— «Боинг 747-8»нинг юк авиаляйери ташишга мўлжалланган иккита мөдли ияратилган,

— деди корпорация вакили Мо Яхъави.  
— Бунда шовқинсиз парвозд қилиш, ёқилғининг тежалиши ва самолётларнинг экологик тоза бўлишига ётибор қарартилган.

Ҳозирда фойдаланилаётган самолётларга нисбатан 16 фойзга кўп юк сигимига эга янги лайнер бундан бўён парвозга тайёр экани ҳам маълум қилинди.

## ЯНА 170 МИНГТА АВТОМАШИНА ҚАЙТАРИЛАДИ

Япониянинг автоуловлар ишлаб чиқарувчи энг йирик «Тойота Мотор» корпорацияси 170та машина қайтарилишини маълум қилди, деб ёзди МИГньюс манбаси. Бунга сабаб, тўхтатиш мосламаси (тормоз) тизимида юзага келётган муаммодир.

Компания вакиллари АҚШда импорт қилинган машиналар ҳам қайтарилиши мумкинлигини инкор этишмаяти. Эслатиб ўтмаси, «Тойота» сўнгги пайтларда Европа ва Америка бозорларига сотувга чиқарилган жами 5 миллиондан

# "ОЧИК ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ"НИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

## Очиқ дарслар фестивалини ўтказишдан мақсад:

- таълим мазмунига ҳисса кўшадиган шахс, ўқитувчинга ижодий фаолигини ошириш;
- умумтаълим мактабларида ҳар бир фандан дарс берадиган ўқитувчилар орасидан юқори касб маҳоратига эга бўлган, мутахассисларни саралаб олиш, улар меҳнатини кўллаб-кувватлаш;
- таълим-тарбиянинг долзарб ва истиқболи метод ҳамда технологияларни аниқлаш;
- таълим-тарбия жараёнида эршилган мудафакиятларни тарғиб килиш;
- фандар кесимида дарс ишланмалари банкининг шакллантирилишига эришиш;
- ижодкор ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш;

ноањанавий дарслар орқали ўқувчиларга пухта билим бериш, уларда мустақил фикрлаш ҳәйтий кўнгимларини шакллантириш;

ота-оналар ва ҳамоатчилик вакилларни Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган кенг бунёдкорлик ишлари билан таниширишдан иборат-дир.

## "Очиқ дарслар фестивали" 4 босқичда ўтказилади.

I босқич: — мактабларда 1—30 март кунлари

II босқич: — туманларда 1—30 апрель кунлари

III босқич: — вилоятларда 1—30 май кунлари

IV босқич: — республика бўйича 10—20 июнь кунлари

## I босқич 1—30 март кунлари

Республиканинг барча мактабларида методирилашма юғилиши қарори асосида очик дарслар ўтказадилар. Очик дарслар ўтказишига биринчи навбатда ижодкор, изланивчан, маҳоратли, таълим-тарбия жараёнида юқори натижаларни кўлга киритётган, фан бўйича йил ўқитувчилари ўзларининг ташаббуслари асосида жалб қилинади.

Очиқ дарслар том маънода ўқитувчи фаолиятининг ижодий тақдимоти бўлиб, машғулотда таълимдаги ислоҳотлар у ёки бу фаннинг ўқитувчилидаги янгиликлар билан ўйғунашган ҳолда ташкил этилиб, унда таълимининг янги шакллари, илғор усуслари ўз ифодасини топшиз зарур.

"Очиқ дарслар фестивали"ни ташкил этиш учун умумтаълим мактаби раҳбари бошчилигида ишчи гурухи тузилади. Ишчи гурухига фандар бўйича методирилашма разслари ва ўқитувчilarга устами ҳақ белгилаш учун уларнинг фаолиятини ўрганинг тасдиқланган комиссия аъзолари жалб қилинади. "Очиқ дарслар фестивали"ни талабчаник ҳамда ижодий ёндашган ҳолда ташкил этиш учун уни ўтказиш режаси ишлаб чиқилиши лозим. Мазкур режада очик дарсларнинг мавзулари, ўтказилиши вақти, ўқитувчisi, синфи, купилаётган натижалар кўрсатилиши жоиз.

## I босқичда очик дарсларни ўтказиш жадвали

№	Метод бирлашма номи	Фан номи	Очиқ дарс ўтадиган ўқитувчи	Ўтказиш вақти (санаси, соат)	Синфи	Мавзуси	Дарсни баҳолашга масъуллар	Купилаётган натижা

"Очиқ дарслар фестивали"га ўқитувчилар, маҳалла кўмитаси аъзолари, ота-оналар, ҳомий ташкилот вакиллари, методист ва олимлар тақлиф этилади. Фестивални ўтказиш жадвали мактаб раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда мактаб эълонлар доскасига илиб қўйилади, ўтказиш билан бўлиқ кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилади.

# "ОЧИК ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ"НИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

## II босқичда очик дарсларни ўтказиш жадвали

№	Мактаб	Очиқ дарс ўтадиган ўқитувчи	Фан номи	Синфи	Мавзуси	Ўтказиш вақти (санаси, соат)	Ўтказиш жойи	Дарсни баҳолашга масъуллар	Купилаётган натижা

Дарснинг асосий жараёнида ўқитувчи ўкувчиларнинг мавзу юзасидан мустақил фикрларини, қарашларини ва билимларини аниқлаган ҳолда, ўкувчининг кела-жақда ўз олдига мавзу юзасидан мақсад, вазифаларни белгилай олишига эътиборни қаратади. Ўқитувчи ўкувчиларни ўқитишининг замонавий методлари орқали кутилаётган натижага йўналтиради.

Мактабларда ўтказилган очик дарслар, кузатилиб, баҳоланиб, ишчи гурухи томонидан таҳлил қилингач, голиблар аниқланади. Мактаб бўйича энг яхши "Очиқ дарс" муаллифи топилгач, (1 нафар) ўқитувчининг номзоди туман босқинига тавсия этилади.

Мактаб бўйича энг яхши "Очиқ дарс" муаллифи ўз иш тажрибасини юзасидан методик кенгағида тақдимот қиласида ва туман миқёсида оммалаштиришга тавсия этилади.

Туман миқёсида 1та голиб аниқланади, у ўз иш тажрибасини фан ўюшма йиғилишида тақдимот қиласида ва туман миқёсида оммалаштиришга тавсия этилади.

Вилоят босқичида қатнашишга тавсия этилган очик дарс" муаллифи ҳақида маълумотнома (иловадаги шакл асосида тўлдирилади) ва кенгағириб ёзилган дарс ишланмаси, ўкувчининг ўзлаштириши лозим бўлган ДТС талаблари асосидаги билим, малака ва кўнкимлар, дарс жараёнида эришган натижалари, фойдаланган таҳлил қилингач, голиблар аниқланади. Голиб деб топилгач дарс ишланмалари вазирлик тасарутида газета ва журнallар саҳифаларида чоп этилади.

Голиб ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида уларни ХТБнинг фахрӣ ёрликлари, "Халқ таълими аълочиши" кўрак нишони ва турли мукофотлар билан тақдирлаш

хокимликлар ва ҳомийлар томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

IV босқич Республика бўйича 10—20 июнь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардан 3 нафардан тақдим этилган жами 42 нафар голиб ўқитувчининг дарс ишланмалари Республика Таълим марказида ташкил этилган ишчи гурухи томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинади ва фанлар кесимида энг яхшилари аниқланади. Голиб деб топилгач дарс ишланмалари вазирлик тасарутида газета ва журнallар саҳифаларида чоп этилади.

Туман миқёсида 1та голиб аниқланади, у ўз иш тажрибасини фан ўюшма йиғилишида тақдимот қиласида оммалаштиришга тавсия этилади.

Вилоят босқичида қатнашишга тавсия этилган очик дарс" муаллифи ҳақида маълумотнома (иловадаги шакл асосида тўлдирилади) ва кенгағириб ёзилган дарс ишланмаси, ўкувчининг ўзлаштириши лозим бўлган ДТС талаблари асосидаги билим, малака ва кўнкимлар, дарс жараёнида эришган натижалари, фойдаланган таҳлил қилингач, голиблар аниқланади. Голиб деб топилгач дарс ишланмалари вазирлик тасарутида газета ва журнallар саҳифаларида чоп этилади.

Голиб ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида уларни ХТБнинг фахрӣ ёрликлари, "Халқ таълими аълочиши" кўрак нишони ва турли мукофотлар билан тақдирлаш

каби таклифлар республика ташкилий кўмитасига киритилади.

Республика миқёсида тавсия этилган дарс ишланмалари "Мультимедиа" маркази, "Zyo-NET" портала сайтлари ёрдамида кенг ўқитувчилар оммасига тарқатилали.

**Эслатма: Барча босқичларда ўқитувчиларни ўтказилган очик дарслари ва ушбу дарслар бўйича тайёрланган дарс ишланмаларини баҳолашда ХТВнинг 2009 йил 14 декабрдаги 347-сонли бўйруги билан тасдиқланган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси кўриктанлови ҳақида"ги янги таҳрирдаги Низом ва баҳолаш мезонлари талабларига амал қилиш тавсия қилинади.**

## ИШТИРОКИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА

(маълумотнома баҳоланмайди).

### 1. Умумий маълумот

Манзили: —

Фамилия: —

Исми: —

Отасини исми: —

Туғилган ойи, йили, жойи. —

### 2. Иш фаолияти

Лавозими, дарс берадиган фани (штат жадвали асосида) —

Иш жойи (номи) —

Таълим мусасасасининг раҳбари исми, фамилия —

Ишга қабул қилинган вақти —

Ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида уларни ХТБнинг фахрӣ ёрликлари, "Халқ таълими аълочиши" кўрак нишони ва турли мукофотлар билан тақдирлаш

Иш тажрибасининг оммалаштирилиши (мактаб, туман, вилоят, Республика миқёсида) —

Иш таҳрибасининг мутаҳассислиги —

ЖОНДОР ТУМАНИДАГИ 5-УМУМТАЛЬИМ МАКТАБИДА БЮОК БОБОМИЗ, СҮЗ МУЛКИНГ СУЛТОНИ МИР АЛИШЕР НАВОЙИННИГ ТАВАЛЛУДИГА БАФИШЛАНГАН «НОМИНГ ЯШАР ЭКАН, ДЕМАК, СЕН ҲАЁТ» МАВЗУСИДА АДАБИЙ КЕЧА ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбир она тили ва адабиёт фани ўқитувчи Феруза Шоева томонидан ташкил этилди. Унда 7-синф ўқувчилари икки гурӯхга бўлинган ҳолда қизиқарли мушоира уюштириши. Ўқувчилар Навоий газаллари, шеърларидан намуналар ўқидилар.

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ АНДИЖОН ШАҲАР ИНДУСТРИАЛ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИДА «АКАДЕМИК ЛиЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА ХИСОБОТ-САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ» МАВЗУИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗДИ.

Унда вилоят ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни бирлашган касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги бошлангич касаба уюшма кўмиталари раислари, таълим муассасаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгаш раисининг ўринбосари Ҳ.Матисаев тармоқда олиб борилаётган ишлар ва камчилклар, келгусидаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтиш билан бирга, бошлангич касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловларини хужжатлари ва баённомаларини расмийлаштириш, қатнашчилар томонидан билдириладиган таңқидий фикр-мулоҳаза ва тақлифларни ҳаётга татбик этиш борасида олиб бориладиган ишлар хусусида сўзлади. Кенгашнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофаза бўлими мудири Ҳ.Турсунов келгусида ижтимоий шерикчилик асосида амалга ошириладиган ишлар, жамоа шартномаларини тузиш, унинг бажарилишини назорат килиш бўйича тавсиялар берди. Вилоят ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ҳ.Неъматов бошлангич касаба уюшма ташкilotлари ишини режалаштириш, хужжатларини расмийлаштириш ҳақида маъруза қилди.

Насибаҳон ТЎРАКУЛОВА

ЎТАР ЯНА НЕ-НЕ ЙИЛЛАР, НЕ-НЕ АСРЛАР, АММО МАНГУ ПОРЛАЙВЕРАР ЎЛМАС САТРЛАР.

Дарҳақиқат, Навоийнинг бебаҳо адабиёт мероси қанча давру давронлар ўтса-да, ўзининг асл қийматини йўқотмайди. Аксинча, асрларидаги сўзининг кудрати билан сингдирилган ҳикматли битиклар авлодлар тафаккури, онгу шуурини ёритиб таълим ва тарбия бобида катта мактаб вазифасини ўтайверади.

Республика болалар кутубхонасида улуг аллома таваллудининг 569 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Ғазал мулкинг султони» мавзусидаги адабий-бадиий кечаси юкоридаги қиёсимизни яна бир бора далиллари, десак муబалаға бўлмас.

Тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзолари Рустам Мусурмон ва Турсун Али донишманд шоирнинг босиб ўтган ибрат-

О.МУРОДУЛАЕВА

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЮҚСАК МАҶНАВИЯТ ВА ОДОБ-АХЛОҚА ЭГА, ЎЗ ОЛДИГА ЭЗГУ ИНТИЛИШ ВА ОЛИЙ МАҚСАДЛАРНИ ҚЎЯ ОЛАДИГАН ИЛМУ МАҶРИФАТ ВА КАСБ-ХУНАР СОҲИБЛАРИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШГА АЛОХИДА ЭЪТИБОР КАРАТИЛМОҚДА.

Бунда шубҳасиз, таълим-тарбия масканларининг, айниқса, умумтаълим мактабларининг тутган ўрни бекиёс. Юртимизда мактабларнинг моддий-техники базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаёт.

Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабда ўтказилган бошлангич касаба уюшмаси ташкilotининг сарҳисоб йиғилишида ана шу ҳадса сўз борди.

Йиғилишда касаба уюшмасининг 2004—2009 йилларда ўқитувчи-ходимларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, хуқуқ ва мағфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларга таълим беришда замонавий ўкув усул ва услубларидан фойдаланишига кўмаклашиш, меҳнат фахрийларининг холидан хабар олиш, мактабнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг билим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитни яратиш, уларнинг ҳавфисизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Мажлисда меҳнат муҳофазаси касаба уюшмаси ташки-

ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ 255-МАКТАБДА ҲАМ АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 569 ЙИЛЛИК ТАВАЛЛУД САНАСИ МУНОСИБ НИ-НОНЛАНДИ.

Ўқитувчи Шарофат Ҳамедова раҳбарлигидаги 2-“В” синф ўқувчилари Мир Алишер Навоий бобомизнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳикмати энг қўмматли бойлигимиз эканлигини айтib ўтдилар. Шунингдек, ўқувчилар Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёрқин мисоллар асосида ёритиб берар экан, шеър ва ғазалларидан намуналар ўқиши. Айниқса, таълим ва хунарни пухта эгаллаш ҳақидаги кўпгина ҳикматли сўзларнинг ўқувчилар томонидан таҳлил қилиниши меҳмонларда яхши таассурот қолдири.

Шундан сўнг иштирокчилар алломалар Мавлоно Лутфий, Бобур ва Давлатшоҳ Самарқандий сиймоларини акс эттириб, уларнинг Алишер Навоий билан сұхбатларини саҳна кўрниши тарзида намоиш этилдилар. Тадбир сўнгидаги “Нон иси” ҳикояси ва “Муножот” кўшигининг ижро этилиши барчанинг кайфиятини кўтартган бўлса, фаол иштирок этган ўқувчилар Фазлидин Тошмуродов, Нодир Ҳайтматов, Эшонхўжа Эрқаҳўяев, Музаффар Пўлатов ва Фирдавс Рўзиевнинг чиқиши кузатувчи ўқитувчилар ва меҳмонлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Гулсара САФАРОВА



«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ ҲУДУДИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛУВЧИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ТАМОМЛАГАН ФАОЛ ТАЛАБА ЁШЛАРДАН ИБОРАТ «ОГОХ» ПОСБОНЛАР ГУРУХИ АЪЗОЛАРИГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ шаҳарча бўлими, Собир Раҳимов туман ички ишлар бўлими ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ҳамкорлигига ўтказилган мазкур тадбир аввалгиларидан фарқли тарзда «Ватанга қасамёд» ҳайкални мажмуасида ташкил этилди.

«Ватанга хизмат олий шараф» деб номланган тадбирни шаҳарча ҳокимининг биринчи ўринбосари Самуғон Ҳикматов очиб берди. У ўз сўзида Ўзбекистон Куролли кучлари сафида хизмат қилиб, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида билим олаётган талаба-ёшларнинг ўқиш ва жамоатишига ташкил этилди. Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этиди, — дейди «Камолот» ЁИХ шаҳарча бўлими кенгаш раисининг ўринбосари Сурайё Икромова.

Шундан сўнг гурӯх аъзолари қасамёд қабул қилдилар.

Уларга шаҳарча ҳудудидаги хавфсизликни таъминлаш, жамоатчилик тартибини сақлаш, талаба-ёшлар

ўртасида интизомни назорат қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар топширилди.

Тадбир мажмуя пойига гулдастлар кўйиш билан якунланди.

Анвар ҚОБИЛОВ

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

— Улар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташкил этилди.

# ҚАШҚАДАРЁ МАКТАБЛАРИ

таниб бўлмас даражада ўзгарди



*Ummatmilliy dastur — amalda*

Инсоннинг келажаги бевосита унинг ёшлигига қандай таълим ва тарбия олганига боғлиқ. Мамлакат истиқболи эса унда яшаётган шахсларнинг яхлит келажаги билан белгиланади. Шундай экан, юрт истиқболи бугун ҳар бир боланинг пухта таълим-тарбия олишини тақозо этади. Бунинг учун эса мамлакатимизда ёшларга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. 2004-2009 йилларда Мектаб таълимими ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида республика миёсида қанчалик улкан бунёдкорликлар амалга оширилганидан барчамиз хабардормиз. Бундай хайрли амаллар кўламини биргина Қашқадарё вилоятида бажарилган ишлар мисолида ҳам тасаввур қилиш қийин эмас.

— Бугунги кунда Қашқадарё вилоятининг шахару қишлоқлари бирдек чирой очмоқда. Таъкидлаш лозимки, миллий ва замонавий дизайн асосида бунёд этиштадан таълим муассасалари алоҳида аҳамият касб этмоқда, — дейди вилоят ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Сайдов.

— 2004 йили вилоятимиз худудида 1106ta мектаб мавжуд эди, айни кунда бурақам 1115tани ташкил этади. Эътиборлиси, Мектаб таълимими ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида вилоятда 932ta макtabda турли даражадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланганди. Уларнинг 89 фоизини қишлоқ жойлар ва бориш қийин бўлган худудлардаги макtablar ташкил этади.

2009 йили умуммиллий дастур якунланди. Хўш, бу борада Қашқадарё вилоятида вазият қандай? Нечта янги мектаб барпо этилди, нечтаси таъмирланди?

— Вилоятимизда режага

киритилган 932ta макtabda үрнига 934ta макtabda курилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди Қашқадарё вилояти ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўрол Ашуро.

— Булардан ташқари, ҳомийлар маблағи ҳисобидан Зта янги макtab қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими ўкувчиларимизга 175 ўринни 180ta спорт зали тортиқ этди.

Умуммиллий дастурда макtablarнинг ташқи қўринишигагина эмас, шу билан бирга, моддий-техник базасига ҳам катта эътибор қаратилиши назарда тутилгани аҳамиятлидир.

Республикамизда ўқитувчilar макtablarнинг ташқи қўринишигагина эмас, шу билан бирга, моддий-техник базасига ҳам катта эътибор қаратилиши назарда тутилгани аҳамиятлидир.

Республикамизда ўқитувчilar макtablarнинг ташқи қўринишигагина эмас, шу билан бирга, моддий-техник базасига ҳам катта эътибор қаратилиши назарда тутилгани аҳамиятлидир.

Яқинда вилоят XTB ҳузуридаги авария ҳолатидаги макtablarни хатловдан ўtkazish, янгидан қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган макtablar бўйича таклифлар тайёрлаш ишчи гуруҳининг яна бир катта таклифни вилоят ҳокимлиги маъқуллади. 2010 йили вилоятдаги 20ta макtabda янгидан қурилиш ва капитал реконструкция ишлари амалга ошириладиган бўлди.

Абдували ОБИДДИНОВ,  
“Ma'rifat” мухбири

Техника-технология инқилиби бугунги кунда барча соҳаларни забт этиб улгурди. Яни, минг ийиллар тарихига эга тиббиёт соҳасидан тортиб, илдизлари эрамиздан олдинги асрларга туташувчи таълим соҳасининг ривожланишини бугун замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улардан дарс ўтиш, ахборотларни сақлаш ҳамда алмашиб, масофавий таълим бериш жараёнларида ва кутубхоначилари ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу борада самарали ишлар амалга оширилало. Ҳусусан, 2006 йил 20 июняда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сонли қарори қабул қилиниб, таълим масканларида Ахборот-ресурс марказларининг фаолияти ўйлага қўйилди.

Шу ўринда “Ахборот-ре-

## Reportaj

Гилдилар.

Дастлаб иштирокчилар илмдаргоҳининг кутубхонаси негизида ташкил этилган Ахборот-ресурс маркази билан яқиндан танишдилар.

— Марказ нафақат ўкувчилар, балки барча маҳалла фуқаролари учун ҳам очик, — дейди макtab директори Ерқин Омонова. — Макtab мизда хоҳлаган ўқитувчи ўз дарсларини марказ имкониятларидан фойдаланиб, ушбу хонада ўтказиши мумкин.

Шундан сўнг барча техник ва кўргазмали жиҳозлар билан таъминланган хонада шу кунларда таваллуд айёллари кенг нишонланаётган бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳирiddин Муҳаммад Бобурга багишланган саҳнавий қишиш намоиш этилгач, семинарнинг асосий қисмига ўтилди.

лар, қомуслар, компьютер тестлари, илмий ва бадиий адабиётлардан ҳамда интернет манбаларидан фойдаланиш улар учун нафақат замон талаби, балки заруриятга ҳам айланади.

Семинарда сўз олган 169-мактабнинг Ахборот-ресурс маркази мудири Гўзал Тошмуҳаммедова таълим-тарбия самарадорлигини оширишда АРМларнинг аҳамияти жуда катта эканлигини айтиб ўтди.

— Баъзан дарсларда учрамаган маълумотларни АРМ хизматидан фойдаланиб тез ва осон топиш мумкин, — дейди мудири. — Шу боис марказимизда ахборот базасини янада кенгайтириш, уни кўпроқ илм-фанга доир адабиётлар билан бойитишга алоҳида этибор қаратмоқдамиз.

Республика илмий педагогика кутубхонаси илмий ишлов бериш бўлими бошлиги Наима Ҳасанованинг «Кутубхоналарни ахборотлаштириши

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ «КАТАЛИЗАТОРИ»

*буғунги кунда мутахассислар АРМ фаолиятига шундай баҳо беришмоқда*

сурс маркази нима?”, “Уларнинг фаолияти таълим самарадорлигига қанчалик таъсир этади?” каби саволларга оидинлик киритиб олсан. Ахборот-ресурс маркази макtab таъминланган кунда шаклланган кирик ахборот мақони. Тушунарлироқ қилиб айтадиган бўлсан, макtabда марказлаштирилган ҳамда тўпланган босма ва аудиовизуал материаллар йиғинди. У фойдаланувчига компьютер ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида қўшимча ахборот манбалари ва материалларига кириш имконини беради. Ахборот-ресурс маркази макtab ичида янгиликларни ёйиш, образли қилиб айтганда, илм маскани ва жамият ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Шу тариқа у ўкувчиларни зарур ахборотлар билан куроллантириб боради.

Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан “Таълим самарадорлигини оширишда Ахборот-ресурс маркази марказларининг роли” мавзусида Шайхонтоҳур туманинг 169-макtabda ўтказилган амалий семинарда ушбу марказларнинг бугунги кундаги фаолияти, эришилаётган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, ахборот технологиялари билан таъминланиш даражаси, ахборотлар базаси кўламини кенгайтириш ва уларнинг таълим самарадорлигига таъсирни ҳақида көнглишга олиб келади. Аммо «ахборотлар уммони»га шўнғиши бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарадики, бугунги кунда ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, у орқали ўкувчиларни янги билим олишга йўналтириш долзарб масалалар қаторига кўйилмоқда.

Мирзо Улуғбек туман XTB ҳузуридаги авария ҳолатидаги макtablarни хатловдан ўtkazish, янгидан қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган макtablar бўйича таклифлар тайёрлаш ишчи гуруҳининг яна бир катта таклифни вилоят ҳокимлиги маъқуллади. 2010 йили вилоятдаги 20ta макtabda янгидан қурилиш ва капитал реконструкция ишлари амалга ошириладиган бўлди.

Абдували ОБИДДИНОВ,

дастурий таъминоти» мавзусида қилган маъruzasi семинарнинг энг қизғин нуқтасига айланди. У кутубхона ишининг замонавий дастурлаштирилган КАДАТА тизимини оммага таништириди ва унда ишлаш усулларини тушунтириди.

— КАДАТА тизими кутубхонада қилинадиган ишларни автоматлаштиришни назарда тутади, — дейди Н.Ҳасанова.

— Яни, мавжуд китоблар ва китобхонлар рўйхати, улар ҳақидаги маълумотлар компьтердаги электрон каталогларга жойлаштирилади. Мижозга хизмат кўрсатилаётганда китобхон папкасидан китоблар рўйхатига кирилиб, белгиланади. Бунда китобларни топиш ҳамда китоб кутубхонага қайтарилганда унинг олинганилиги ҳақидаги маълумотларни чиқарип ташлашни компьтернинг ўзи бажаради. Натижада, биринчидан, маълумотларнинг аниқлиги сақланади, иккинчидан, вақтдан ютилади. Бундан ташқари, яна бошқа имкониятларга ҳам эга бўламиз. Масалан, газеталар ёки нодир китоблар базасини яратишимииз мумкин. Энг муҳими, кутубхонада қилинган ишларнинг ҳисоботи компьтер хотирасида сақланади, ундан турли мақсадларда (мисол учун ҳисобот тайёрлашда) фойдалана оламиз.

Хулоса шуки, кутубхона ишининг такомиллашуви ва айниқса, уларнинг Ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг бир қисмига айланниши фойдаланувчига кўп кулаликлар яратади. Бу ўкув-тарбия жараёнига ва унинг методик таъминотига катта ҳисса қўшади.

Семинар охирида савол-жавобларга вақт ажратилди, якуни хулосалар чиқарилди.

Дилшод КАРИМОВ,  
“Ma'rifat” мухбири

# ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ КИМ(ЛАР) БЎЛАДИ?

умумтаълим мактаблари фан муаллимлари танлови юқори босқичга чиқмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Танловда ўқитувчиларнинг ишларини баҳолаш учун ТШХТББ методистлари, ТШПХҚТМОИ ўқитувчилари, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2009" кўрик-танловининг голиб ва совриндорлари ҳамда ТХТБларида фолият юритаётган чизмачилик фани ўқитувчилари таклиф этилди. Улар ҳар бир иштирокчининг ишларини холисона баҳолаб, ютуқ ва камчиликларини ўзлари билан биргаликда муҳокама қилиши.

— Бу танловда биринчи маротаба қатнашишим, — дейди Юнусобод туманидаги 240-мактаб ўқитувчиси Моҳигул Убайдуллаева. — Шундай бўлсада, танлов шартларини бажариш мен учун унчалик ҳам қийинчилик тудириёттани ўйқ. Чунки ўқитувчи ўз фанини қанчалик севиб, қизиқиб ўтса, болалар осон ва тез қабул қилишиади. Бугун бутунлай нотаниш мактаб ўқувчиларида дарс ўтган бўлсан-да, улар билан тезда тил топишдик. Намунавий дарсимнинг мавзуси "Техник расм" бўлгани учун синф ўқувчиларини

"Муҳандислар" ва "Меъморлар" деган гуруҳларга бўлиб, ўқувчиларнинг ҳар бирига ўз исми ёзилган эмблема тарқатиб чиқдим. Бу эса улар билан танишиб, биргаликда ишлашим учун қулагани яратди. Бундан ташқари, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан кириш сўзи қилганим ва шоир асарлари қаҳрамонлари тилидан бугунги мавзу юзасидан маълумотлар берилганини болаларда ўзгача бир қизиқиши ўйғотди. Танловнинг кейинги босқичларида ҳам фаол иштирок этиб,

мактабимиз, туманимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш умидидаман.

Бевосита ўқитувчиларнинг дарслари кириб, уларнинг иштиёқ билан мавзуни тушунтиришларини, ўзлари тайёрлаб келган ўкув қуролларини кўриб бизнинг ҳам танлов ўқитувчиларни қизгин беллашувга чорлаганига гувоҳ бўлдик.

Танловнинг натижалари ва голиблар ҳақида газетанинг кейинги сонларида ўқишингиз мумкин.

**R.ХЎЖАЕВА,**  
"Ma'rifat" мухбири

## УСТОЗ МАҲОРАТИ ШОГИРЛАР МУВАФФАҚИЯТИДА

Бизга маълумки, аниқ фанлар ўқувчининг ақлий тафаккурини ҳам ўстиришга хизмат қиласди. Айни пайтда юртимиз умумтаълим мактабларида аниқ фанлар ойлиги ўтаётганлиги сабабли математика ва информатика фанларига эътибор ҳар галгига нисбатан кучайган десак, муболага бўлмайди. Бу эса ўз на ватида ушбу фан ўқитувчиларини ўз устида янади.



**Fevral — Matematika va informatika fanlari oyligi**

да кўпроқ ишлашига унダメоқда.

Ана шундай малакали ва фаол ўқитувчилардан бири Юнусобод туманидаги 86-мактабда 22 йилдан бўён математика фанидан дарс бериб келаётган Эльмира Худойбердиева бўлади. Устоз иш фаолияти давомида кўпина шогирдларни тарбиялаб, уларни катта ҳаётга тайёрлашда ўз хиссасини қўшиб келяпти. Хусусан, Эльмира опадан таълим олган ўқитувчилар фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, мак-

таблари шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Айниқса, ушбу фан ойлиги давомида Э.Худойбердиеванинг ишлари янада кўпайди. У режадаги барча ишларни катта тайёргарлик билан бошлаб, ойликни кўтаринки руҳда ўтказмоқда. Очик дарслар ўтилди, ўқувчилар математика ва информатика фанлари бўйича деворий газеталар чиқаришиб, ўзаро мусобақалашиши. Фанлар юзасидан кириш тестлари олинди. Айни пайтда мактабда ойлик

охирида бўлиб ўтадиган якуний фестивалга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Шунингдек, Э.Худойбердиева дарслардан ташқари "Бошқотрма лабиринти" тўгарагида 20 нафар ўқувчи билан ҳам машгулотлар олиб бориб, уларни мустақил фикрлашга, билимларини янада юксалтиришга ўз ҳиссасини кўшмоқда.

**Суратда:** Ўқитувчи 7-синф ўқувчиларига алгебра дарсини ўтмоқда  
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

**2010-yil — Barkamol avlod yili**

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг пухта билим олишлари, спорт билан мунтазам шуғулланышлари, касб-хунар сирларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитни яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

## БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг юртимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши, бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш имконини беради. Мазкур дастурда ўсиб келаётган ёш авлод, хусусан, турли сабабларга кўра ота-она меҳридан эрта жудо бўлган ўғил-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари, билим олишлари учун етарли шароитни яратишига алоҳида эътибор қаратилган.

Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳомийлигига катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Муассаса ўқув биноси, ётоқона ва башқа ёрдамчи хўжалик иншоотлари тўлиқ таъмир-

дан чиқарилиб, коммуникация тармоқлари янгиланди. Кўшимча спорт майдони, хиёбон, стадион барпо этилди. Муассаса худуди ободонлаштирилиб, арча кўчватлари ўтказилди.

— Бундай хайрли тадбирлар муассасамиз фаолиятини яхшилаш билан бирга, бу ерда тарбия топаётган болажонлар қалбидан эзгу ишларга хайриҳоҳлик, келажакда етук инсонлар бўлиб етишишга интилиш ҳиссиси шакллантиради, — дейди меҳрибонлик уйи раҳбари Соҳиба Ҳамроуловна.

Мазкур ишлар якунига багишиланган тадбирда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига спорт анжомлари топширилди.

**А.САТТОРОВ,**  
ЎЗА мухбири

Фақат бунда барча болалар бу синдошларини айбдор санааб қўймасликлари керак, чунки бу каби хатони кейинги сафар бошқа бола ҳам тақрорлаши мумкин. Энг муҳими, ўқувчиларни одоблизлар ва одоблизлар гуруҳига бўлиб олмасангиз бас.

Яна бир мулоҳаза. Бола одоб юзасидан фақат мактабдагина билим олмайди. Оилада, кўчада унга ўрнак бўладиганлар кўплаб топилади. Қани энди, ҳар бола ибратли кишилардан ўйлаб гапириши, маданият билан сўзлашни, ўзини тутишни ўрганса, шундай бўлганида одоб барча болаларимизнинг доимий ҳамроҳига айланган бўларди.

**Н.САИДАҲМЕДОВА,**  
Тошкент шаҳридаги  
298-мактабнинг бошлангич  
синф ўқитувчиси

## ОДОБНИНГ ДЕБОЧАСИ ҚАЕРДА?

Бола одоби билан гўзал, дейдилар. Агар у одобсиз бўлса-чи? Катталарга сўз бермай, қўлини пахса қилиб гапирса, ота-онасини, катталарни ҳурмат қилмаса, кичикларни доим изза қилса — бундай бола аслида жуда кўхликини бўлсада, уни ҳеч ким ёқтираслиги табий. Чунки бола кўркини фақат одоби намоён қиласди.

Қизиқ, болада одоб-ахлоқни қандай шакллантириш мумкин? Одобнинг дебочаси қаерда, она қорнидами, ота-она ибратидами, болалар боғчасидами, мактаб бағридами?

Одобнома дарсларида

биз болаларга турли мавзуларни ўтиб борамиз. Мавзуларнинг барчаси ахлоқодобга бориб тақалади. Демак, бола нима тўғрию нима нотўғри эканлигини, жамоат жойида ҳаракатланиши, катталарга ва кичикларга, ота-онага, табиатга, ҳайвонларга қандай муносабатда бўлиш борасида талаб қилинадиган мезонлардан маълумот олади. Ҳа, энди у хабардор, аммо хабардорлик билан амал қилиш ўртасида яна анча одимлар бор. У мезонларни билади-ю, аммо уларга риоя қилмайди. Безори бола кўчада қизларни ҳақорат қилиб, боровози билан сўқаётгани но-

тўғри эканлигини билмайдими, билади, аммо нега?..

Бу каби ҳолатларни кузатиб одобнома дарсларимизга фақатгина назарий томондан ёндашибгина қолмасдан, амалий тарзда тарбия мезонларини болаларга сингидириб боришимиз керакли-

**Fikr**



гина тушундим.

Болалар доим ҳаракатда, улар бугун ўқитувчиси ўргатганидек, оғир сумкаларни қалин қор ёққанида қўйналиб кўтариб кетаётган аёлга манзилига етиб олгунича кўтаришиб кўмаклашса, эртага

ана шундай вазиятда кетаётган аёлга ўйинқароқлик қилиб қор отиши ҳам мумкин. Бола-да, мудом бир хил меъёрда туролмайди. Аммо сиз, одобнома ўқитувчиси, ўз дарсингизда айнан ўқувчингизнинг кеча шундай хатога ёки шундай яхши ишга қўл урганлиги тўғрисида гаплашсангиз-чи?

Албатта, бунда гап болаларни ҳаракати қилиши устида кетаётган экан, уни жеркимайсиз, уришмайсиз, безориликда, виждансизликда айбламайсиз. Фақат унинг бу ҳаракатлари қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини ўз тенгдошлари билан бирга муҳокама қиласиз.

Dars shiori: "Adl-u ehson bilan jahon gulshani obod bo'ladi".

**Dars maqsadi:**

a) ta'limiy maqsad: o'quvchilarga Bobur hayoti va faoliyatini haqida ma'lumot berish;

b) tarbiyaviy maqsad: shoh va shoir hayotining tarbiyaviy jihatlariga e'tibor qaratish; birodarlik g'oyalari va Vatan hissining ulug'lanishini o'quvchilar ongiga singdirish;

c) rivojlantiruvchi maqsad: o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undash va erkin mushohada etish sirlarini o'rnatish.

**Dars jihizi:** Bobur portreti, "Boburnoma" kitobi, Bobur rasmlaridan iborat buklet, buyuk shaxslarning Bobur haqida yozgan fikrlari bitilgan tarqatmalar. "Bingo" o'yini uchun tarqatmalar, texnik vositalar, magnitofon, daraxt, qor parchalari, matbuot nashrлари.

**Baholash mezoni:** ko'krak nishonlari

**Jismimda mening ruhi  
ravonim sensan.**  
**Boburning seningdek o'zga  
yo'q yori,**  
**Alqissaki, umri jovidonim sensan.**

**O'qituvchi:** — Rahmat, mehmon. Mana, yangilikka intiq aziz o'quvchilar, shoh va shoir hayotidan Boburning Hindistondagi mavqeyi haqida bilib oldingiz.

Endi so'zni Afg'onistonidan kelgan mehmonga beramiz.

**Afg'onistonlik mehmon (o'quvchi):** — Ha, Bobur taqdirda Kobul shahri alohida o'ren tutadi. U Samarcandni ikkinchi marta qo'ldan boy bergach, 1503-yilda Kobulga bosh olib ketadi. G'azna va Kobulni jangsz taslim qiladi, chunki afg'on xalqi uni ochiq yuz bilan kutib oladi. So'ngra Qandahorni egallaydi. Bu yerda o'zini podshoh deb e'lon qiladi.

Mironshoh Amir Temuring 3-o'g'li (1366—1408)

Sulton Muhammad Mirzo

Sulton Abusaid (1424—1469)

Umarshayx Mirzo (1456—1494)

Bobur (1483—1530)

Humoyun (1508—1556)

Komron (1509—1557)

Askari (1512—1558)

Hindol (1518—1551)

(Gulbadanbegim, Gulchehrabegim,

Gulrangbegim va Boburga bo'lgan o'zbek xalqining muhabbatini quyidagicha bayon etadi).

— Siz bilasizki, Bobur 1483-yili Andijonda tug'ilgan. Otasi Umarshayx Mirzo Temuriylarning to'rtinchi avlod bo'ladi. 12 yoshida Bobur otasi vafotidan so'ng, ona tarafdan buvisi hisoblangan Esondavlatbegim yordamida Andijon taxtini boshqaradi.

Boburning «Boburnoma» asarida O'zbekistonimizning ko'pgina hududlari: Samarcand, Andijon, Buxoro, Qarshi, Shahrisabz, Urganch, Termiz haqida nodir ma'lumotlar beradi. Ayniqa, Andijon mevalari, Samarcand imoratlari, Buxoro qovunlari, Kesh sangtaroshlari xususida iliq fikrlar bildiradi. 1992-yili Boburning ona shahri Andijonda «Bobur milliy bog'i» — «Bog'i Bobur» ochilib, taxtini boshqaradi.

**Bir soatlik dars**

tarqatadi va bunda...

**Yon daftardan bitiklar**

1. «Boburning Hindistonga kelishi tufayli Hindistonda buyuk o'garishlar sodir bo'lidi. San'atda, hayotda, me'morchilik va madaniyatning boshqa sohalarida serilhom taraqqiyot yuz berdi». (Javoharla'l Neru.)

2. «Bobur botirligining cheki bo'limgan: uning butun hayoti jasorat namunalari bilan to'lib-toshib yotibdi». (N.I.Veselovskiy.)

3. «Bobur fe'l-i-sajiyasiga ko'ra, Sezarga qaraganda sevishga arzigulikdir». (Eduard Xolden.)

4. «Biz Osiyodagi hukmdorlar ichidan Bobur singari genial va talantli kishilarni kamdan-kam uchratamiz». (Erekin.)

**Muxbir:** — Rahmat, bolajonlar! Bilimdonligingiz meni mammun qildi.

**O'qituvchi:** — Boburning nega shunday deb atalishi haqida ham qiziqarli ma'lumotlar bor. Shu o'rinda o'quvchilarga magnit tasmasida Bobur hayotiga oid X.Lembing «Bobur — yo'lbars» romanidan olingan rivoyat o'qib eshittiriladi: «Bobur yashaydigan yaqin joyda bir g'or bo'lgan ekan. G'orga kirib qarashsa, bir bola ikkita yo'lbarsvachcha bilan o'mbaloq-do'mbaloq o'ynashayotgan ekan. Bolasini tanib, shodlanib ketganidan Umarshayxning yuragi yorila yozibdi. Ovhilar yo'lbars bolalari bilan Zahiriddin Muhammadni olib, saroya qaytishibdi. Bu voqeя bir zumda shaharga tarqalibdi: «Hazrati oliyning o'g'llari yo'lbars bilan olishib, uni yengibdi», degan xabarni yetti yoshdan yetmish yoshgacha eshitibdi. Hamma hayratdan yoqasini ushlabdi. Shundan keyin bolaning asl nomi — Zahiriddin Muhammad yoniga Bobur, ya'ni yo'lbars laqabi qo'shib aytildigan bo'lbdı».

**O'qituvchi:** — Aziz bolajonlar! Bobur hamisha yurt ishqida, yaxshilik va insonparvarlik hissi bilan yashadi. Uning she'rlarida Vatan sog'inchi insoniylik hissi ufurib turadi. Masalan (she'r o'qiydi):

**Har kimki vafo qilsa,  
vafo topg'usidur,  
Har kimki jafo qilsa,  
jafo topg'usidur.  
Yaxshi kishi ko'rmagay  
yomonlik hargiz,  
Har kimki yomon bo'lsa,  
jazo topg'usidur.**

Mana, aziz o'quvchilar, sizlar bilan shoh va shoir, davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodi haqida suhbatlashdik. Ko'rib turganingizdekk, Bobur hayoti, ijodi cheksiz bir ummon, uning har bir tomchisida insoniylikka, vatanparvarlikka da'vat bor.

**O'quvchi:** — Biz bugungi dars davomida Bobur ijodining serqirraligini, Hindiston, Afg'oniston va O'zbekiston, umuman jahonda hurmat bilan tilga olinishini bilib oldik.

**Baholash mezoni:** Har bir faol o'quvchiga rag'bat kartochkalari beriladi (dars davomida daraxtga 3 xil: oq, pushti, yashil gul va kurtaklar o'quvchilar tomonidan ilingan. Bu gul va kurtaklar jamlanib, 1-qator oq gul, 2-qator pushti gul, 3-qator yashil kurtak). Qaysi qatordan ko'p ilingan bo'lsa, o'sha guruhga maxsus kubok topshiriladi. Ko'krak nishonlari taqiladi.

**Uyga vazifa:** A) Internet tarmog'idan Bobur hayotiga oid yangi ma'lumotlar topish. B) «Boburnoma» asari yuzasidan referat yozish. C) «Bobur — shoh va shoir» mavzusida albom, buklet tayyorlash.

Dars Bobur qalamiga mansub mumtoz qo'shiq sadolari ostida yakunlanadi.

**X.BEGASHEV,  
D.NORMURODOVA,  
Termiz shahridagi 11-maktab  
o'qituvchilari**

# BOBUR — DILBAR SHAXS

**(Ushbu darsni Bobur hayoti va faoliyatiga bag'ishlab tashkil etish mumkin. Darsda to'rt nafar o'quvchi mehmonlar hamda muxbir sifatida ishtirok etishadi)**

va kubok (o'qituvchi tomonidan maxsus tayyorlanadi).

**Dars turi:** noan'anavy

**Fanlararo bog'lanish:** Milliy istiqlol g'oyasi, adabiyot, tarix, musiqa, tabiat, tasviriy san'at, matematika, geografiya.

**O'qituvchi:** — Aziz bolajonlar, atrofingizga bir boqing, go'zal qish fasli oppoq choyshabini yoygan. Qish o'z qori bilan go'zal, chunki qor beg'uborlik, rizq-nasibadir. Hozir esa sinfxonamiz o'rtasidagi daraxtdagi qor parchalarida berilgan so'zlar orqali yangi mavzuni belgilab olamiz.

(Uchala qatordan bittadan o'quvchi chiqib, qor parchalarini daraxtdan oladi va parchadagi so'zlar asosida yangi mavzusi "Bobur — dilbar shaxs" yozuv taxtasida o'z aksini topadi. Shu asosda dars davom etadi).

**O'qituvchi:** — Bugungi darsimizni Hindiston, Afg'oniston va O'zbekistondan tashrif buyurgan mehmonlar bilan birligida olib boramiz.

Shuningdek, darsimizga gazeta muxbiri ham tashrif buyurgan. Olis Hindiston diyoridan kelgan mehmonga so'z beramiz. Yangi fikrlarni o'z daftarlariningizga qayd etib boring.

**Hindistonlik mehmon (o'quvchi):** — Bobur nomi Hindistonda ham juda ardoqlanadi. U 1526-yilda Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos soldi. Bu sulola hukmronligi 332 yil (1526-1858) davom etgan. Haligacha hind xalqi Bobur va Boburiylar nomini hurmat bilan tilga oladi. Buni XIX asrning 50-yillarda Dehliga bostirib kirgan inglizlarga qarshi mahalliy xalqning Boburiylar saltanatini fidoyilarcha himoya qilishida ham yaqqol ko'rish mumkin.

"Boburnoma" asarini hindistonlik Mirzo Nasriddin Haydar Rizvi hind tiliga o'girib, Bobur hayoti va faoliyatining serqirra jihatlarini ommaga yetkazib berdi. Hind xalqi hali-hanuz uning she'rlarini, asarlarini sevib mutolaa qiladi. Uning misralaridan yod o'qiyman:

Jahonga mashhur Boburning "Boburnoma" asari 3 qismdan iborat: 1-qism XV asrning 2-yarmida Markazi Osiyoda ro'y bergan voqealar, 2-qismi XV asrning oxiri va XVI asrning 1-yarmida Kobul ulusi, ya'ni Afg'onistonida ro'y bergan voqealar va 3-qism XVI asrning 1-choragi Shymoliy hind xalqlari tarixiga bag'ishlangan edi. Kobul Bobur yuragida Andijon-u Samarcanddan keyingi eng yaqin shahar hisoblanar edi. Keyinchalik bu joy uning valiadi Humoyun qarorgohiga aylandi. Bobur xoki esa uning vasiyatiga ko'ra, Hindistondan Kobulga ko'chirildi. G'azna ham Boburning tarjimayi holida muhim o'ren tutadi. Qandahorni esa o'g'li Komronga beradi. Bu qadim shaharning nomi Chigiloboddir. Chigil turk ulusining eng eski o'troq qabilalaridan birining nomi. Uning "Qoldimu" radifli g'azali ham 1507-yilda Hirot — Kobul yo'lida yozilgan.

(Mehmon g'azalni mayin kuy sadolari ostida o'qib beradi).

**Charxning men ko'rmagan  
jabr-u jafosi qoldimu?!**  
**Xasta ko'nglim chekmagan  
dard-u balosi qoldimu?!**

**O'qituvchi:** — Rahmat, aziz mehmon. "Boburnoma"ning o'rganilishi haqida biror so'z deya olasizmi?

**Afg'onistonlik mehmon:** — Ha, bu asar afg'onistonlik olim Abulhay Habibiy tomonidan o'rganilgan. "Afg'on afsonasi" Habibiy xabaridagi Bobur va Bibi Muborika haqidagi mashhur afsona va rivoyatlar ham Bobur hayotining Afg'onistonida o'rni haqida hikoya qiladi.

**O'qituvchi:** — Rahmat, yanada yangi ma'lumotlar uchun endi so'z navbatini o'zbekistonlik mehmonimizga beramiz.

**O'zbekistonlik mehmon:** (bu o'quvchi yozuv taxtasiga Bobur hayotiga oid chizma (shajara)ni ilib qo'yadi).

unda Bobur yodgorligi o'matilgan. 1993-yili tavallud topganining 510 yilligi munosabati bilan Andijonda Bobur haykali o'rnatildi. Maktab o'quv darsliklarida Bobur ijodi uchun maxsus soatlar ajratilgan. Respublikamiz xiyobonlari va ko'chalariga Bobur nomi berilgan.

**O'qituvchi:** — Rahmat, mehmon. Mana, aziz o'quvchilar, Bobur haqida, uning O'zbekistonda tutgan o'rni haqida ham bilib oldingiz. Endi esa so'zni muxbirga beramiz.

**Muxbir (o'quvchi):** — Bobur hayoti va faoliyatini haqida tinglar ekanman, sizning bilimga chanqoqligingiz meni ancha xursand qildi. Egallagan bilim, ko'nikma va malakalaringizni sinash maqsadida sizga tezkor o'zin savollarini beraman:

**1. «Boburnoma»da Shayboniyxonning ismi qanday atalgan? (Shayboqxon.)**

**2. 1480-yilda Shayboniyxon qaysi davlatni tiklashga erishdi? (Bobosi Abulxayrxon davlatini.)**

**3. Dashti Qipchoq aholisi asosan, nima bilan shug'ullangan? (Chorvachilik bilan.)**

**4. Bobur onasining ismi? (Qutlug' Nigorxonim.)**

**5. «Boburnoma» asari necha qismidan iborat? (3 qismdan.)**

**6. Boburning 510 yillik tantanalari qayerda nishonlangan? (Andijonda.)**

**7. Boburning otasi kimga to'rtinchi avlod bo'ladi? (Amir Temurga.)**

**8. Boburning qanday asarlarini bilasiz? («Boburnoma», «Xatti Boburiy», «Harb ishi», «Mubayyin al-zakot», «Muxtasar».)**

**9. Bobur kimning qaysi asarini tarjima qilgan? (Xoja Ahrorning «Volidiya» asarini.)**

**10. Bobur Samarqandga qaysi yillarda yurish qilgan? (1497, 1500, 1512-y.)**

**11. «Qoldimu» g'azali qayerda yozilgan edi? (Hirot — Kobul yo'lida.)**

Shundan so'ng muxbir yon daftarchasidan Bobur hayoti va faoliyatini haqida buyuk shaxslarning fikrlarini

Шу кунларда бутун диёримизда, шу жумладан, барча умумтабилим мактабларида Алишер Навоийнинг таваллуди куни кенг нишонланмокда. Ушбу тадбирларни янада мазмунли ўтказиш максадида, жумладан 7-синг 7-синг "Ўзбекистон тарихи" дарсларида "Темурйиллар салтанати" — мавзусини ўтишида кўйидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Ўзбек халқи мавзанинг дунёси-нинг шаклланишида foят кучли ва самарали тасир кўрсатган улуғ зот — Алишер Навоий бомбозининг номи, ижодий меросининг бойкилиги, бадий даҳоси замон ва мақон чегараларини билмаслиги хакида доимо фахрланиб сўз юритамиш.

Алишер Навоийни буюк шоир, сўз мүнкининг сulton, ўзбек адабий тилининг асосчиси, улуғ мутафаккир деб биламиш. Лекин Навоийни яхшироқ, теранроқ билиши учун унинг шахситини ҳам, ижтимоий-сийёсий, маданий фаoliyatiни ҳам янада чукурорук ўрганишига харарат кимломигисиз зарур. Чунки улуғ мутафаккир бобомис Алишер Навоий — хурматли олим, буюк адаб, адолатли вазир сифатида, маданий ишларига хомийлиги ва бошقا эзгу амалари билан таррида ўймас нам колдирган.

Алишер Навоий 1464 йили ўша пайтаги ирик маданий марказ бўлган Самарқандга келади. Бу ерда машҳур олим, ирик конунчусо ва арабшунон. Жоҳа Фазуллоҳ Абулайс кўлида таскил кўради. Бу ҳақда «Мажхолис ун-нафис»да тұтхалиб: «Факир иккى йил аларнинг кошида сабак ўқиб ёрдим, анича итифотлали бор ёрдиким, «Фарзанд» дер эдилади.

Навоий Самарқандда Мавлоно Илоӣ Шоший, Мавлоно Мухаммад Олим, Дарвеш Аҳмад Самарқанди, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафоий ва бошقا кўллаб шоирларни санъаткорлар билан якин муносабатда бўлали, адабий даврларда иштирок этади. Уларнинг китобларини ўқиб, ўз билимнинг тинмай ошира боради. Умуман, ўш Алишернинг Самарқандаги ҳаётини ижоди такомилда мухим ўрин тути. У Самарқанд маданийни ва тарихи билан жуда яқиндан таниши, ўз билимни янада ошириди ва мустаҳкамлани. Самарқандининг XV аср иккичи яримидаги адабиёти ва маданийти

## 9-fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun


ривожида Навоийнинг роли катта бўлиб, бу давр Самарқанд адабий музихини Алишер Навоийнисиз тасаввубу килиш мумкин эмас.

Темурйизода Ҳусайн Бойкаро 1469 йилнинг бошида Хирот таҳтини эгаллагани ҳаётидаги хабар Самарқандага этиб келиши билан Навоий Хиротда қайтади. Давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаoliyati кўрсатишади. Унга мурддорлар лавозими топширилди. Навоий давлатнинг барча ҳужжатларини кўпидан ўтказар ва унга мур боси, расмийлаштираш ўзи. Ҳусайн Бойкаро Алишер Навоийга ўз саройдан foятдан маъсълияти вазifalaridan яхшироқ, теранроқ билан ташрифа билан, шоирларни санъаткорларни топширилди. Навоий ўз маблағидан бир қанча жамоат билонлар курдирган. У курдирган «Илхосия» мадрасаси Хиротнинг ўша даврдаги шуҳратини дўнга ўйган бинолардан бирни бўлиб, ўз даврини биломидан кишилари — Амир Бурхониддин Атоулоҳ Нисопурӣ, Фози Ихтиёридин Ҳасан Турсатий, Амир Мумтоз, Мавлоно

пўстин, босма чакмон, тақия ва бошқа эҳтиёж буюларини улашган. Навоий мадраса, масjid ва хонахолларга қаттий вакфлар белгилаган hamda бу соҳада каттиқтартиб ўрнатишга ҳаракат килган. 1481—1482 йилларда шоир ўзининг бу соҳадаги ишлари, биноларнинг вакфлari ҳақида «Вакфиya» асарида батафсил маълумотлар беради.

Алишер Навоий хазинанинг беҳуда сарфланишига, ҳалқанинг айрим амир-амалдорлар томонидан хонавайрон бўлишига йўл кўймаслика интилади. Аллома 1476 йилдаги вазirlardan истеъ孚 беради. Бироқ у лавозимдан кетгандан сўнг Ҳамза Султон Ҳусайн Бойкаро саройидан истеъ孚 беради.

Навоий ўз маблағидан бир қанча жамоат билонлар курдирган. У курдирган «Илхосия» мадрасаси Хиротнинг ўша даврдаги шуҳратини дўнга ўйган бинолардан бирни бўлиб, ўз даврини биломидан кишилари — Амир Бурхониддин Атоулоҳ Нисопурӣ, Фози Ихтиёридин Ҳасан Турсатий, Амир Мумтоз, Мавлоно



Iqtibos



«Ойнаи Чин», «Навоий шатранж ўйнаганими?» сингари фикралар ёшларга манзур бўлади деган ўйдадими. Чунки улар мазмунли ва мароқли ўзларда ёшларга манзур бўлади

Бу сонда мазкур ўзларда ёшларга манзур бўлади

М.САДИНОВ

Истиқолол Навоийга муносабатни тубдан ўзлартириб

Аслида, бу муносабат истиқолол арафасидеёб бошланган

Ўзи ўша 1991 йил ҳалқимиз ва

республикамиз учун бошланган

миллат» муносабатни тубдан ўзлартириб

шоирларни ўзларни тубдан ўзлартириб

бўлади

Мустақилликнинг биринчи

деган XX асрда кўп таърифлар берилган. Мендан бу ҳақда сурасида, уша таърифлар катогрига «XX аср биз унун Алишер Навоийни таниш ва англаш асли ҳам бўлди», деб айтган бўлардидим. Зотан, ҳалқимиз буок бобомизни ўзин таниб олди, у зотини foятни ифодаланган ўлмас асарлари ҳар бир ўзбекнинг қалбидан чукур жой эгаллади. Илмада эса, янги сока — навоийшунослик пайдо бўлди, шаклланди; кўплаб ўз фикрига эга, билимдан олимлар етишиб чиқди. Истоҳодли адабётшунос Султонмурод Олим шулар орасида фаолларидан бўйидир. Унинг «Навоий — ёшларга» деб номланган китobi фикримизга биралди бўлали.

Кизиқарла ўзларда ёзилган «Навоий — ёшларга» китоби «Ёшлар йили»: туб мөхизат, «Тушунчлар мөхизат», «Қиёслар хосияти», «Нукталар ва нукталар» каби бобарлардан иборат. Китобга киритилган «Башорат», «Ҳаёт», «Ватан», «Замон», «Қўнгир», «Йомон», «Ҳаёт», «Вафо», «Демократия» ва «Мартен Бехаммий, Берунийми Ҳони Моний?», «Халқаро ўзларга» деб номланган китоби фикримизга биралди бўлали.

Навоий ўз маблағидан бир қанча жамоат билонлар курдирган. У курдирган «Илхосия» мадрасаси Хиротнинг ўша даврдаги шуҳратини дўнга ўйган бинолардан бирни бўлиб, ўз даврини биломидан кишилари — Амир Бурхониддин Атоулоҳ Нисопурӣ, Фози Ихтиёридин Ҳасан Турсатий, Амир Мумтоз, Мавлоно

Бу сонда мазкур ўзларда ёшларга манзур бўлади

Буни кечаги кунга солиштириб бўлали.

1991 йилнинг 7 сентябрда Узбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Тил ва адабиёт институтига Алишер Навоий номи

бўйидан ўзларни тубдан ўзлартириб

бўлади

Янги муносабатни тубдан ўзлартириб

шоирларни тубдан ўзлартириб

бўлади

Мустақилликнинг биринчи

ном билан юритилганини хеч эслайсизми? Йўк, 1991 йилни эса, Узбекистон Президенти

аввалобдан улуг ўзбек шоирни раҳбарининг бундай алоҳида ўзбекнинг қалбидан чукур жой эгаллади. Илмада эса, янги сока — навоийшунослик пайдо бўлди, шаклланди; кўплаб ёзилган ўзлартириб

бўлади

Мустақилликнинг биринчи

мункини ўзларни тубдан ўзлартириб

бўлади

Биз ёшлар бир зум ҳаёт пойгасидан тўхтаб, ортга назар ташлассак,

бетакор истеъод солибтаримиз жуда кўп бўлганилигига амин бўлали.

Мен Навоий асарларини ўқишини яхши кўраман. Унинг баъзилари

муракабли ҳам қўйлади. Аммо биланмак, у муракаблини билан

ҳам аҳамиятли. Муракаб нарсалар менин янада изланишига, ўз мақсадидан қаттий бориша ўнайди.

Навоийнинг газаллари, достонларини ўқир эканман, унинг шахси ҳаётидаги тасаввурларим бойий боради. Ҳаётимда идеал инсон гавдланади.

Улуг шоирини ўзиндан кетади. У ўз асарларидан яратишга зўр майл, орзу, истаги борлиги ва

биз ёшларни тасаввурларим бойий боради.

Навоийнинг ўзларни тубдан ўзлартириб

бўлади

Навоий ўз асарларидан инсон мавзанинг энг олий сифатлари —

камтарилини, ватанпаварлик, олижаноблик, меҳнатсаварлик ва газал

эздришига ўзларни тубдан ўзлартириб

бўлади

Алишер Навоий олишида бар

чағниларни тубдан ўзлартириб

# ҚАТТИҚҚҮЛЛИК ЁКИ МЕХР

тарбияда қай  
бери мұхим?

Инсон ҳаёти давомида күпроқ савоб иш қилишга интилади. Үз илмидан башкаларни ҳам баҳраманд этиш, атрофдагилар билан уни баҳам күриш — энг катта савоб ишлардан бири ҳисобланади. Бундай машақатли ишнинг улдасидан чиққан инсон «Устоз» деган буюк ва шарафли номга сазовордир. Ҳүш, улуг зот дея таъриф берилган устозлар қандай бўлмоғи керак?

Мактаб илм масакани, шу билан бирга тарбия ўюғи ҳамдир. Ўқитувчи зўр иштиёқ ва шижаот билан дарсга кириб келади. Синфонада жимжитлик ҳукмрон. Негаки, ҳеч бир ўқувчи танбех эшишини истамайди. Ўқувчилар бир-бира ни ўрнидан туришга ундан, ҳамма бир овоздан «Ассалому алайкум», дея салом беради. Фақат энг охирги партада ўтирган икки ўқувчи уй вазифасини тезроқ қўчириб олиш билан бандми ёки устоз турмаганимизни пайқамайди, деб ўйлайдими, хуллас, улар «салом бериш жараёни»да иштирок этмайди. Агар улар бу хатти-харакати учун устозидан «... стулга ёпишиб қолғанмисан, ўрнингдан турмайсан?», — қабилидаги гапларни эшишса-чи?

Тўғри, салом бериш нафакат ўқувчи, умуман, инсон зоти учун ҳам юксак қадрият. Бу қадриятга эътиборсиз

ўкувчи, албатта, огохлантирилиши лозим. Бироқ бундай ҳолатда ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларини қўпол сўз ва иборалар билан ҳақоратлаш эмас, уларга ўз хатосини тўғри йўл билан англатищдан иборат.

Жуда кўп масалаларда болаларга ўрнак бўлувчи, уларнинг келажигига бевосита таъсир кўрсатувчи мураббийнинг хурун сўз ва ибораларни қўллаши яхши натижага олиб келмаслиги аниқ. Биринчи марта боланинг кўнгли ранжиб ўйглаши, бу ҳақда ота-онаси га айтиши мумкин. Аммо ўқитувчи луғат бойлигидаги «одобсиз» сўзлардан ҳар куни, ҳар соатда фойдаланадиган бўлса (турган гапки, «сен одам бўлмайсан» деган таънани эшиштагч, бола яхши томонга ўзгариб қолмайди), ота-она ҳам бундай ҳолатга аҳамият бермаса, кейинчалик, бола ёмон сўзга ҳам, яхши сўзга ҳам эътиборсиз бўлиб вояга етади. Ёки аксинча мунтазам равишда берилаётган даккилардан тушкун кайфиятга тушиб қолиши, ўзига бўлган ишончни йўқотиб қўйиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўқитувчининг ҳаддан ортиқ қаттиққўллиги бальзан жуда аянчли оқибатларга олиб келади.

Мен яқиндан танийдиган

бир қизалоқ ҳали энди З-синфда ўқишига қарамасдан тиришкоқлиги, қизиқувчанилиги туфайли бўш вақтларида расм чизади, пианино чалади, рақсга тушади. Ҳаммасини эплайди-ю, дарсларини тўлиқ ўзлаштира олмайди. Сабаби, ота-онаси уни рус тилини пухта ўргансин, деган мақсадда таълим рус тилида олиб бориладиган синфа берган. Ўқитувчи ўзбек тилини билмайди, ота-она эса фанларни рус тилида тушунтириб бе-

Fikr



риша қодир эмас. Натижа кундек равшан. Ўқитувчи ора-сирда, дарсдан кейин қўшимча машгулотлар ўтказиш орқали ўқувчисига ёрдам берган бўлади.

Дарс пайтида «Сен ҳеч нарса билмайсан, ўзбек синфида ўқийверсанг бўлмасми», деб уни болалар орасида изза қиласи. Устига устак, уйга келгач, онаси ҳам кўп койиди. Рус тилини яхши тушуна олмаган қиз уй вазифасини ҳам аниқ ёзиб қелмайди. Она эса ота-оналар мажлисида «гал эшиштмай» деб, болани масалаларни тўғри бажаришга унайдиди. Бу иш қизнинг қўлидан келмагач, у руҳий тушкунлика тушиб йиғлади. Жаҳли чиқсан она қизига қўлидан

кеялганча тушунтириш, ўргатиш ўрнига, аксинча, жаҳл билан ўкув куролларини ҳар томонга сочиб юборади. Бўлаётган кўнглисизликларда ўзини айбдор билган жажжи қизалоқ ҳар куни шу зайлда йиғлаб дарс қиласи ва мактабга тушкун кайфиятда келади. Ҳуллас, бу воқеалар унинг руҳиятига таъсир қилиб, топшириқни бажариш қўлидан келмаса, ўзўзидан йиғлаб юборадиган бўлиб қолди.

Аслида ўқувчи фанни унчалик яхши ўзлаштира олмаган тақдирда ҳам унинг қизиқишини сўндиримаслик учун «Сен ҳали ҳаммадан яхши ўқийсан», деб унинг қалбида ўзига бўлган ишончни ўйғотиш, таълим олишига, хатолар устида ишлашга бўлган иштиёқини кучайтириш керак. Ҳўш, руҳшунослар юқоридаги ҳолатни қандай баҳолайди?

**Мастура Тангриева:**

— Мен ўттиз йилдан бери ўқувчиларга дарс бериси баробарида мана шу соҳанинг муҳим масалаларини ҳам синчковлик билан ўрганиб келаман. Болани унга жисмоний таъсир этиш ёки ҳақоратли сўзлар орқали ўқитиши педагогикада акс таъсир этадиган жараён ҳисобланниб, бунда ўқувчи ижобий томонга ўзгариш ўрнига аксинча, ўқитувчи билан ўчашиб қолади, фан-

га бўлган меҳри, иштиёқи сўнади. Натижада, унинг билими ҳам сусайди. Ҳар куни йиғлаб дарс тайёрлаш боланинг асаб томирларини таъсирчан қилиб қўяди. Оқибатда у ҳамма нарсани кўнглига яқин оладиган бўлиб қолади. Ўқувчини уришиш мумкин, лекин ҳар хил қўпол сўзлар билан эмас. Айтиш жоиз, баъзи «тили ширин» ўқитувчилар ҳам борки, улар жаҳли чиқсанда чегарадан чиқиб, ўқувчининг ахлоқига салбий таъсир этадиган танбехларни ишлатиб юборади.

Ҳуллас, таъни хира қилалигандан бу каби сўзлар ўқувчини ҳам ранжитмай қўймайди. Болани уриш, дўй-пўписа қилиш ва шу йўл орқали уни кўркитиб олиш педагогикага хос эмас.

Боғбон ниҳолни мева түгсин, серҳосил бўлсин деб меҳр билан парвариш қилгани каби, устозлар ҳам шогирдининг келажиги порлоқ бўлсин, ҳаётда ўз ўрнини топсин деган эзгу ният билан илм олишга даъват этади. Кўзланган «хосил»ни олиш учун эса қаттиққўлликдан кўра меҳр кўпроқ керак бўлади. Фарзандларимизнинг яхши тарбия олиши, келажакда ўз ўрнини топа олиши учун ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Дилафрўз ТЎРАКУЛОВА

## МУАММО ИНТЕРНЕТДА ЭМАС, ЎЗИМIZДА!

Фан-техника ривожи ҳакида ким қандай фикрда эканлиги, унинг шахсий қарашларига боғлиқ. Сўнгги пайтларда ОАВда кўнгли телефони, компьютер, интернет воситаларининг инсон руҳий ва жисмоний ҳолатига етказиши мумкин бўлган зарарлари хусусида кўпдан-кўп маълумотлар берилмоқда. Аммо бундай бонг уришлар одамларнинг онгидаги фан-техника тараккиётига бўлган салбий қарашларни ҳам келтириб чиқараётган ҳоллар йўқ эмас. Аслида бизнинг руҳий ва жисмоний саломатлигимизга телефону компьютерлардан ҳам кўра кўпроқ зарар етказадиган нарсалар ҳам бор. Айтайлик, кўл телефонидан чиқаётган нурдан ҳам кўпроқ, тўйларимиздаги карнайлардан чиқаётган юкори герцдаги овоз инсон саломатлигига жиддий таъсир этади.

Яқинда хорижий давлатлардан бири-да ўтказилган таҳдилларга кўра, ҳар беш китобхоннинг бири китобни фақат электрон вариантида ўқиши маълум бўлибди. Бизда-чи?! Яхшиси, компьютерга «мих»ланиб ўтирганларнинг неча фоизи илм олиш мақсадида экан, деган саволни қўйганимиз дурустроққа ўхшайди. Аслида муаммо интернетдаги ахлоқсиз сайtlар ёки «сотка»даги уятсиз тасвирларда эмас, балки ундан фойдаланаётганилар матьнавиятида.

лаларга бемалол дарсга алоқадор янти маълумотларни топиб келишини вазифа қилиб беради. Ўқувчи дарслеридан доирасида чегараланиб қолмай, илмий сайtlардан иммий ишлар, диссертациялар, долзарб мавзудаги мақолаларни тошиб ўқиди, дунёқараши ҳам анча кенгаяди. Ахборотта бўлган қизиқиши ортади, хабардорлик даражаси кучаяди. Ўқув жараёнида рақобатдошлик кайфи-

яти уйғонади. Бунинг учун таълим муассасаларнида компьютер, интернетни яхши тушуна-диган, компьютер, интернет илм олиш, дунёқарашни кенгайтириш, имкониятларни ошириш воситаси эканлигини амада кўрсатиб бера оладиган педагоги-мутахассислар керак.

Тўғри, болаларимиз орасида компьютер ўйинларига муккасидан кетиб қолаётганилар ийӯқ эмас. Бу ўйинларда устаси фарант бўлиб кетганинг орасида, вақти келса, ўзига электрон манзил очиши бимайдиганлари борлигига нима дейсиз? Қисқасини айтганда,



техник воситаларнинг бола тарбиясига салбий жиҳати қанчалик кўп бўлса, ижобий жиҳати ҳам шунча бисёр.

Муаммога бошқа томондан қарайллик. Болангиз телефонда ахлоқсиз тасвирларни қўчириб, томоша қилишга ишқибозми ёки ундан ўз ўрнида мулоқотда, бошқа имкониятларидан эса дунёқарashi ва билимини оширишда фойдаланаятими? Мана, масаланинг энг нозик томони.

Авал, унга илм излашни ўргатинг. Китобга бўлган меҳрини уйғотинг. Сўнг эса, китобдан тополмаганларининг электрон вариантини излаш имкони борлигини, интернет узокни яқин қиувлечи, ахборот ва илм олувлечи, хорижий ОАВнинг сўнгти янгилкларидан баҳраманд бўлиш воситаси эканлигини кўрсатиб беринг. Кўчадаги дўстси «юр, ўйин ўйнаймиз», деб «Интернет-кафе» га

етаклаб киришига улгурмай туриб, сиз унда компьютер ва интернет, кўл телефонидан фойдаланишда мақсадни аниқ, ва тўғри шакллантиришга шошилинг. Аммо бунинг учун ўзингиз ҳам уй компютерингизга ҳар хил ўйинларни юклаб олишдан, фарзандингизни ухлатиб кўйиб «чат»га «мехмон» бўлишдан йироқ бўлишиниз керак.

Ана шу марраларга эришсан, бутун ёшлар китоб ўқимаяшти, кутубхоналаримиздаги илгариги кети узилмас навбатлар эртакка айланниб қолди, деган афсуснамо гаплардан хавотирланмай, аксинча, китобхонлар камайтаниб ўйқ, манбалар кўпайтган холос, деб қўйган бўлардик.

**Махмуд Йўлдошев,  
психология фанлари номзоди**

Mulohaza



Nima bo'lganda ham, kishilarning bir-birlariga maktub orqali murojaat qilishlarida hikmat ko'p. Garchi bu kishidan ortiqcha vaqt talab qilsa ham. Negaki, ilk bora yozgan yoki olgan maktubingiz, undagi sizni beixtiyor hayajonga solgan satrlar, qadrdoningizning tanish dastxati sizni yana va yana maktub yozishga undaydi.

Якинда "Мактуб" деган бадиий фильмни кўрдим. Қаҳрамон йигит севгилисидан тугилган кунингга нима совфа қиласай, деб сўраганида, қиз "мактуб" деб жавоб беради. Ҳайрон бўлган йигит бошқа совғалар билан бирга дил изҳори битилган мактуб ҳам ёзди. Қиз барча совғалардан ҳам кўпроқ мактубга эътибор қаратади ва уни асраб-авайлаб ҳар доим ёнида олиб юради.

Дастлаб шугина воқеа учун бутун бошли фильмни "Мактуб" деб номлаш тўғримикан, деган хаёлга бордим. Воқеанинг давомини кўргач эса, бежиз бундай аталмаганлигини тушундим. Яъни, йигитнинг вафотидан кейин бир йил давомида қизга ҳар куни биттадан мактуб келиб туради. Фарзанд кўриб, ёлғизлик азобидан кутулганича севгилисининг ўлимидан ёлдин ёзib колдирган мактублари ёрдамида қизда ҳаётга бўлган муҳаббат ортади, яшашга умид ўйгонади.

turinglar, birga tushlik qilamiz. Yoki qayerda ovqatlanishlaringni ayting, yaxshimi?\*\*\*

"Privet.qatdasan?yangi.yilni.yaxwi. kutvoldingmi?samarcanda. bo'sen. kegin.uyga/aylanamiz. ziyorat. qilamiz. birga".

(«Таржимаси»: Salom. Qayerdasan? Yangi yilni yaxshi kutib oldingmi? Samarcanda bo'lsang, uyimizga kelgin. Birga aylanamiz, ziyorat qilamiz).


Аслида, бу SMSлар саводли одам томонидан қавс ичидагидек ёзилиши керак эди. Энди битта хатни ўқиш учун алоҳида таржима луғати керак бўлади шекилли. Афсусланарли томони шундаки, бу мисолларни юзлаб, ҳатто минглаб келтириш мумкин. Аммо буни ёзишга бизда тоқат етмаганидек, хурматли ўкувчиларнинг ҳам ўқишга хоҳиши бўлмаса керак. Яна бир афсус-

ешидим, лекин топиб ешидим: сизнинг барча машакатларингиз – душманларингиздан ўч олиш учун бўлғанини онгладим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар...

Хуллас, мактубни охиригача келтиришим шарт эмас. Зеро, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романни ўқиганлар унда Кумушбиши Отабекка яна нималар ҳақида ёзганини яхши билишади. Қаранг, қандай нозик қочирим, нафис ўпкалашлар. Майно ва мазмун жиҳатдан пишик жумлалар.

Улар ҳар бир сўзнинг маъносини фақат бир хилда эмас, турлича тарзда ифодалашган ва ўз навбатида мактуб орқали бемалол сирлашишган ҳам. Умуман, мактуб ёзиш бугун одамларнинг хотирасидан чиқиб кетган, бекорчиликнинг бир кўриниши деган хуносалар ҳам йўқ эмас. Аммо тан олиш керакки, кимдандир мактуб олсан, бошқача бир ҳолатта тушиб, галати туйгуларни хис қиласиз. Нима ёзилган

## Sizga gapim bor



расига мустаҳкам ўрнашади. Нафақат мактуб, балки иншо, диктантни ҳам тўғри ёзишга одатланади. Афсусланарли томони шундаки, ҳозир телевидение, радио, матбуотда, ҳатто мактаб ўқувчилари учун маҳсус чоп этилаётган диктантлар тўплами, айрим дарсларликларда ҳам имловий хатоларни кўплаб учратиш мумкин. Буни мен эътиборсизлик деб биламан. Бундан ташқари, кўчалардаги тури реклами

# МАКТУБМИ ОДАНИИЗМИ?

Университетда корейс тилини ўрганардик. Кореялик ўқитувчимиз ҳар дарсда бир-биримизга ёки ота-онамиз, узоқдаги дўстимизга хат ёздиради, кимнинг хатида кўпроқ сўз ишлатилгани, жумлаларнинг тўғри тузилганига эътибор қаратиб баҳолар эди. Биз ҳам бир-биримиздан яхшироқ ёзиш учун бошқалардан яширинча бўлса-да, луғатдан ўйда янги-янги сўзларни топиб, улардан хатимизда фойдаланиб, курсдошларимизни ҳайрон қолдиришга ҳарарат килардик.

Инсон кимгadir мактуб ёзганда унинг фикрлаш қобилияти кенгаяди, сўз бойлиги ортади. Ёзиш сўзлашувга ҳам таъсири кўрсатади. Чунки айрим кишилар телефонда ёки кўришганда гапиромаган гапларини мактубда яхши ифодалай олиши мумкин. Чунки мактуб бемалол ўйлаб, мулоҳаза қилиб ёзилади.

Бугун технология ривожланган замонда яшаяпмиз. Бундай пайтда баязан мактуб ёзишга ҳожат йўқдек тулади. Аммо... баязи бадиий ва тарийи асарларда мактубга алоҳида урға берилган бўлиб, қаҳрамонлар бир-бирлари билан ҳар доим мактуб орқали алоқа қилган. Ҳатто, мумтоз адабиётда алоҳида мактуб жанри ҳам мавжуд бўлган. Француз адаби Монтескьенинг машҳур "Форс номалари" асари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунга келиб телефонда SMS орқали, интернетда электрон почта ёрдамида одамлар бир-бирлари билан хат ёзишмоқда. Лекин қисқаликни талаб этувчи бу воситаларда ёзилган «мактуб»лар турли хил имловий, стилистик хатоларнинг кўпайишига, бекорчи сўзлардан фойдаланишинг ортишига, бир сўз билан айтганда, саводсизликка хизмат қилаётгандек на заримизда.

Ана шундай SMSлардан айримларини мисол сифатида келтириб ўтамиз:

(Асл ҳолида келтирилган)  
"Salom mani kutb turila obed qlamz birga. Ketb qomela. Ili qata ovqatlaniwani etvorin ok?"

(Таржимаси:) Salom, meni kutib

ланарли жиҳати шундаки, бундай "мактуб"ларнинг аксарият "муаллиф"лари олий ўқув юрти талabalariyidir. Энди коллеж ёки мактаб ўқувчиларининг SMSларини ўқиш учун алоҳида иммунитет ҳосил қилиб олмасаң бўлмайди, шекилли.

Бу каби "хат"лар асосан ёшлар ўртасида оммалашгани сабабли катталарнинг балки хабари йўқдир. Эҳтимол, ҳамма ҳам шунақа эмас-ку, деяётгандирсиз. Аммо уяли алоқа воситасида ҳар томонлама тўғри ёзилган SMSни топиш учун бирор мингта SMSни текширишингизга тўғри келиши мумкинлигини ҳам унутманг.

Тўғри, вақт, пул деган нарсалар ҳам SMSларни мана шундай ачинарли аҳволга солиб қўяётгандир. Аммо ҳамма нарса ҳам пул билан ўлчанмайди-ку.

Мактуб ёзганда эса озгина бўлсада, одам ўзидан "уялади". Чунки уни ўқиётган киши хатингиз орқали нафақат Сиз билан дийдорлашади, балки ёзувингиз орқали нечоғлик даражада саводли ва фаросатли эканингизни билib олади. Ҳатто, психологлар ёзуви ёрдамида кишининг характеристини аниқлашади. Шунинг учун хатингиз Сизнинг юзингиз дейилиши бежиз эмас.

"Юсуф савдосида бекарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан – сизга бошимдағи сочларимнинг тукларича беҳад салом. Мендан – ҳадду-хисобсиз гуноҳ, сиздан – кечириш. Ўткан ишқа саловат. Чунки шу икки йил ичида кечирган кора кунларни эска олиш маним учун ўша кунларни қайтадан бошдан кечиришлик сингари, ул кунларни сиз унтиинг, унутманг, аммо мен унутдим. Шунинг учун сўзимни ўзимнинг охирги, ҳам чин баҳт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман."

Сиз – қочкоқсиз, нари-бери тил учидаги менга бир нарса ёзғандек бўлиб қочқансиз, икки йил бўйи Марғилон келиб юришларингизни мен ўзимча

экан, кимдан экан, деган саволлар то конвертни очиб, хатни ўқигунийнгизча тинч кўймайди. Барибир, ёқимли ҳолат-а!

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мактуб одатда оқ қофозга ручка билан ёзилади. Бунда кишининг кўллари ҳам мия билан биргаликда ҳаракатланади. Инсоннинг кўл машқларини доимий равишда бажариб туриши ҳақида мутахассислар бекорга гапиришмайди. Шунинг учун ҳам кўлда ёзиг турниш фойдадан холи бўлмайди. Оппоқ сатрлар узра маржондек тизилаётган ҳарфларнинг чиройли кўриниши сеҳрли бармоқлар ёрдамида амалга оширилиши ҳам бир мўъжиза эмасми, аслида!

**Бу ҳақда пойтахтимиздаги 203-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ақидахон Тожиҳујаева шундай дейди:**

— Бу мавзу айни пайтда кўпчилик ўқитувчиларнинг кўнглидаги гаплардан бири. Тан олиш керакки, ўқувчиларнинг бугунги кундаги имловий саводхонлиги талаб даражасида эмас. Бу нафақат SMSларда, балки диктант, иншоларда ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга сабаб, биринчи навбатда ахборот технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши, деб ўйлайман.

Чунки интернет, компьютер, DVD каби воситалар болаларнинг кўп вақтини ўғираётгани учун уларда китобга, бадиий асар ўқишга бўлган қизиқиши сусайиб кетмоқда. Китобни кўп ўқиган кишининг ижодий тафаккури билан бирга имловий саводхонлиги ҳам ошади. Чунки битта сўзни битта асарда бир неча маротаба кўриб ўқигач, ўз-ўзидан ўша сўз унинг хоти-

ва афишаларни олайлик. Уларнинг ҳам аксарияти имловий хатолар билан тўла. Буларни ўқиган киши (айниқса, ёшлар) мана шундай ёзилса тўғри бўлар экан, деб ўйлаши ҳам мумкин.

Юқорида айтганимдек, технология тараққиётни одамларнинг хат ёзишга бўлган эҳтиёжини камайтириди. Авваллари мактубнинг аҳамияти юқори эди. Унинг "Ассалому алайкум, қадрдоним, аҳволинг яхшими?" каби анъанавий сўзлар билан бошланувчи мурожаати ҳеч ёдимиздан чиқмайди. Лекин ҳозирги ёшлар хат ёзиш структурасини ҳам билишмайди, назаримда. Бунинг учун фақат дарс машғулотларида эмас, тўракларда ҳам алоҳида мактуб ёзиш соатлари ажратилиб, уларга хат ёзишнинг аҳамияти, уни саводли ёзиш қоидлари ўргатиб борилиши керак, деб ўйлайман. Шунингдек, дарсларда бадиий асарлардан олинган хатларни мисол сифатида ўқиб бериш, ёд олдириш ҳам ўқувчининг тафаккурини ўстиришга хизмат қилиши билан бирга, имловий саводхонлигини ҳам оширади.

**Хулоса ўрнида.** Бугун кўп юмушларни бевосита техника, технология воситалари бажараётганинг кўпчилик эътироф этмоқда. Аммо нима бўлганда ҳам, кишиларнинг бир-бирларида мактуб орқали мурожаат қилишларида ҳикмат кўп. Гарчи бу кишидан ортиқча вақт талаб қиласа ҳам. Негаки, илк бора ёзган ёки олган мактубингиз, ундағи сизни беихтиёр ҳаяжонга солган сатрлар, қадрдонингизнинг таниши дастхати сизни яна ва яна мактуб ёзишга ундаиди.

Райхона ХЎЖАЕВА,  
"Ma'rifat" мухбари





**1-расм:** Биз ҳикоя қилаётган янгилик хунук, кўлбона ясалгандек кўриниши мумкин. Аммо бу дунёдаги энг митти учувчи аппарат бўлиб, заранг дарахти мевасига ўхшайди (Evan Ulrich/A. James Clark School of Engineering, U-Md. расми).

Табиятда уруғларнинг шамолда парвоз этиши миллион йиллик тарихга эга. Улар ўз дарахтидан узоқ жойларга янги ҳаёт баҳш этиш учун учиб кетади. Бу манзара американлик тадқиқотчиларга илҳом берган шекилли, улар дунёдаги уруғсимон энг митти бир қанотли аппаратни яратдилар.

Кафта сифадиган мўъжиза Мэриленд штатидаги учувчисиз бошқариладиган аппаратларуниверситети лабораториясида яратиди. Аслида бундай кўрималарни ясашга қизикиш 1950-йилларда бошланганди. Лекин вақт ўтиши билан тузилишидан анча оддий туолган ушбу роботни яратиш учаник осон иш эмаслиги ойдинлашди. Агар уни бошқариш, узоқ вақт парвоз этира олиш имконини ошириш лозимлиги инобатта олинса, бу борадаги муракаблик қай даражада эканини англаш кийин эмас.


Бу йўлда олимлардан Дин Пайнс, Эван Ульрих ва Шон Хамберт дарахтдан узилган уруғлар ҳаракатини син-чиклаб ўрганиб чиқдилар. Бирин-кетин спиралсимон парвоз нозикликлари кашф этилди. Айтиб ўтганимиздек, суратан унга ўхшаш, аммо оператор бўйруқлари асосида "қанот қоқадиган" кичкина аппаратни барпо этиш анча узоқ вақт талаб қилди. Ниҳоят, «Робототехник қанотли уруғ» лойиҳаси ус-

# ЗАРАНГ МЕВАСИ ВА РОБОТ

Topildiq

тида олиб борилган иш ўз мевасини берди. 2007 йилда аэродинамика ёрдамида бошқариладиган дастлабки учувчи сунъий "уруғ" намунаси яратилиди.

**2-расм:** Вақт ўтиши билан қанотли уруғ роботлари ("Роботик Самара")нинг бир-биридан шакл, катталик, юк тортувчи винт, мувозанат, бошқариш усули жиҳатдан фарқ қиласидиган бир нечта турлари пайдо бўлди. Уларнинг орасида энг кичкинасига эса гултоҳноми берилди (Autonomous Vehicle Laboratory/A. James Clark School of Engineering, U-Md. расми).



Тадқиқотчилар вакили Эван Ульрихнинг айтишича, заранг уруғи кўтариш кучини оширишга хизмат қилувчи айланма ҳаракати туфайли ҳавода узоқ вақт учиш имконига эга экан.

Роботнинг шунга монанд равишида масофа босиб ўтиши учун унга митти винтли ва электромоторли дастак ўрнатиди. Бу унга парвоз этиш ва ҳавода муаллақ туриш, ҳавога кўтарилишдан кейин кўниш, сўнгра яна учиш имконини берди.

**3-расм:** Заранг ва яна бошқа дарахтларда учрайдиган қанотли уруғ ас-



лида мева бўлиб, уни кўпинча уруғ деб аташ одатга айланган (wikipedia.org сурати).

Шу ўринда яна айтиб ўтиш керакки, бугунги кунда бир қатор олимлар учар уруғлар сирларини очиш йўлида кўплаб янгиликларни топишда давом этмоқдалар. Масалан, Вегенинген университети ходими Дэвид Лентинк ва унинг голландиялик ҳамкасби заранг ва граб (қайнилар оиласига мансуб дарахт) уруғларнинг аэродинамик хусусиятларини аниқлади. Уларнинг маълумотига кўра, қанотли уруғларнинг айланувчи «парраги» олдинги кирраси ёрдамида митти-турғун гирдоб ҳаракатини вужудга келтириб, бу унинг кўтарма кучини оширап экан. Бу ҳақидаги илмий мақола "Сайнс" журналида чоп этилди.


Бундай "қобилият" бир қатор ҳашаротлар ва кўршапалакларда ҳам учрайди. Олимларнинг табиий "патентлар"-дан фойдаланиб, кўплаб тажрибаларни амалга ошираётгани илм-фан соҳасини қимматли материаллар билан бойитишдан ташқари, уларнинг ўзаро, жумладан, муҳандислар ва биологлар ҳамкорлигини кучайтироқда.

**4-расм:** "Қанотли уруғ роботининг моделларидан бири оддий мевадан анча катта бўлса да, бошқа курилмаларга нисбатан ихчам ва самаралидир", — дейди кашфиётчилар (Eric Schurr/A. James Clark School of Engineering, U-Md. расми).

Пайнс ва унинг ҳамкасларига қанот ва винтлар ясашда Кларк инжиниринг мактаби катта ёрдам берганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Узунлиги 9,5 см.га тенг "Роботик Самара"нинг дебют парвози Мэриленд штатидаги узоқ йиллардан бери тўхтovsiz ишлаб келаётган Коллеж-парк аэропортининг юз йиллик юбилейли пайтида муваффақиятли ташкил этилди.

**5-расм:** Роботча парвозда. Кашфиётчилар ундан ёнғинларни кузатиш, кидирив-кутқарув ишларида фойдала-



ниш мумкинлигини айтишмоқда. Айланувчи аппаратга ўрнатилган камера ҳам юқори сифатли тасвирларни етказиб бера олади. У бошқа кузатув аппаратлари сингари табиятга зарарли чиқиндилар чиқармаслиги билан ҳам ажралиб туради (Eric Schurr/A. James Clark School of Engineering, U-Md. фотоси).

Н.КОСИМОВ тайёрлади.

## ВУЛКОННИНГ СУВГА ТАЪСИРИ

Тадқиқотчилар бундан таҳминан 100 миллион йил аввал тирик жонзотлар нима сабабдан қирилиб кетган, деган саволга янгила илмий фаразни илгари сурошмоқда. Тахминларга кўра, океанларга вулканлардан катта ҳажмдаги сульфат кислоталарнинг оқиб тушиши натижасида мазкур ҳолат кузатилган. Мавзуга бағишлиланган мақола «Нэйче Геосайенс» журналида чоп этилди, деб хабар беради «Таймс».

Изланишлар Мезозой эрасининг учинчи геологик, яни бундан 65-145 миллион йил олдинги даврида океанлардаги кислород миқдори ўта камайиб кетганини кўрсатди. Бу эса кўплаб тирик организмларнинг нобуд бўлишига олиб келди. Ҳозирги илмий қарашларга кўра, вулканлар фаолияти ҳаётбахш кислороднинг камайишига асосий сабабдир. Негаки, улар океаннинг устки қатламларида планктонларнинг оммавий равишида кўпайишига ишлаб келган.

Ўз навбатида планктон пастки қатламлардаги бактериялар учун озуқа бўлган. Тез кўпайган микроблар сувдаги бор кислородни «ютган». Маълумотларга қаранганда, 100 миллион йил олдин Ер юзида океанларда яшайдиган барча турдаги сув ҳайвонларининг учдан бир қисми қирилиб кетган.

Олимларнинг фикрича, гарчи планктонлар кўпайишига таъсир кўрсатувчи асосий модда сульфат бўлмаса-да, у туфайли океанда фосфатнинг кўп миқдорда ишлаб чиқилишига олиб келувчи жараёнлар ўз берган. Сувда фосфатларнинг кўп бўлиши эса планктоннинг жадал суръатлар билан кўпайишига олиб келган.

## ОЛМОСНИ ЭРИТИШ МУМКИНМИ?

Наука.км.ру манбасида бир гурӯх олимлар олмосни эритишнинг улдасидан чиқишига айтилган. Бундан олдинги изланишларда ҳарорат оширилса-да, кутилган натижага эришилмаган. Сабаби, жараёнда олмос минерал углероднинг бир кўриниши бўлган графитга айланаб қоларди. Лекин бу гал тадқиқотчилар ҳарорат билан бир пайтда босимни ҳам ошириб бориши синаб кўриши.

Шундай қилиб ўндан бир каратга тенг оғирликдаги табиий олмосга наносекундлар ичидаги юзага келадиган лазерли импульслар орқали таъсир ўтказилди. Натижада, 40 миллион атмосфера босими кўрсаткичидаги олмоснинг эриши кузатилган.



## ЭНГ АНИҚ ВАҚТ ЎЛЧОВЧИ АСБОБ

АҚШнинг Технологиялар ва стандартлар миллий институти (NIST)да вақтни энг аниқ кўрсатадиган янги соат ишлаб чиқилди. Бу ҳақидага «Сайнс» нашири маълум қилди. Ҳозирча дунёдаги ягона бўлган мазкур асбоб аслида вақтни кўрсатувчи оптик атом мослама бўлиб, унинг хато қилиш эҳтимоли 3,7 миллиард йилда 1 секундга тенг экан. Бунгача NIST-F1 цезийли соат аниқликда тенгсиз дейиларди, чунки «атиги» 100 миллион йилда 1 секундга адашиши мумкин ёди.

Янги хронометр «Quantum Logis Closk» номини олган. Қолаверса, ушбу мослама айни пайтда синовдан ўтаетган квант компьютерлари каби маълумотларни қайта ишлаш ва саклаш механизмига эга. Мисол учун, оддий атом соатларида иккита металли ионлари бир-биридан бир неча микрометр масофада жойлашган бўлади. Лазер нури туширилганида атомларнинг ўзаро таъсирни туфайли шартли равишида 0 ва 1 деб қабул қилинган иккита ҳолатни белгилаш мумкин. Мазкур иккита ҳолат оралиғи ўз берадиган төбанишлар мояхиятан вақтни ўлчаш имконини беради. Атомларнинг бир илмий тида «вақт кўриқчиси» деб аталади. Соатларнинг «алюминий асосида», «цезий асосида» яратилган дейилишига ҳам сабаб шунда. Иккинчи заррача ёрдамида эса асбоб кўрсатадиган ўлчов бирликлари олинади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, «Quantum Logis Closk»дан олдин синов учун яратилган атом соат симорлари асосида ишлаб чиқилганди. У ҳам Технологиялар ва стандартлар миллий институти ходимлари томонидан 2006 йили кенг жамоатчиликка тақдим этилган. Соат ўша пайтда мавжуд бўлган вақт ўлчовчи мосламалардан ҳам 5 баробар аникроқ ишлаган. Янги ускуна эса аниқликда ундан-да 10 баробар устундир. Мутахассислар ундан физик қонунлар бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар, атомли навигация (сув ва ҳаво кемалари қатновида), масалан, Жи-Пи-Эс (GPS) маълумотларига таянган ҳолда самолётларнинг қўниши пайтида фойдаланиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

2009 йилда Ангрен шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Усманалиева Нозимахон Нодиржон қизига берилган У № 3971809 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилар жамоаси «Чет эл фуқароларини ўқитиш» курси мудири, доцент Элеонора Ҳабибулаевага турмуш ўртоги, академик

Пўлат ҲАБИБУЛАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

Пўлат ҲАБИБУЛАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги  
ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
1997 йил 20 августдаги 409-сонли ҳамда 2002 йил 25 январдаги  
33-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар  
Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асо-  
сида, 2010–2011 ўкув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўкувчиларга  
ўкув куроллари, кам таъминланган оиласларнинг 1–9-синфларида  
ўқийдиган фарзандларига қишки кийим-бошлар, касаллиги туфайли якка  
тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўкув куролларини  
харид қилиш учун тендер савдолари ўтказди. Тендер савдоларида ғолиб  
чиқсан корхона ва ташкилотлар**

## РЎЙХАТИ

### БОЛАЛАР КУРТКАСИ

- 1 SAPFIR INVEST ELIT MCHJ
- 2 AZ ZAMAXSHARIY KTXF
- 3 ALOQA HAMKOR MCHJ
- 4 KASMIR LTD MCHJ
- 5 BARKAMOL ME'MOR MCHJ
- 6 NUTQIY XSICHF
- 7 SEVARA LYUKS SERVIS MCHJ
- 8 OLIS KOINOT MCHJ
- 9 AND EAST SERVIS MCHJ
- 10 ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
- 11 ORENA REKON AND MCHJ
- 12 KALINA LUX MCHJ
- 13 XO'JAOBOD MCHJ QOSHIDAGI ALPOMISH sport buyumlari ishlab chiqarish fabrikasi
- 14 KOMET AND MCHJ
- 15 SATURN PLUS YUPITER MCHJ
- 16 TO'MARIS ELEGANT MCHJ
- 17 ZEVA TRADING SAVDO MCHJ
- 18 PANE LUX XF
- 19 IBRATLI TIKUVCHI XK
- 20 ISTAMBUL TEKS MCHJ
- 21 SEZGIN PLUS MCHJ
- 22 KAPITAL TA'MINOT SERVIS MCHJ
- 23 GOLDEN FANTASY MCHJ
- 24 ШОИРА БОНУ -78 XF
- 25 NIHOL TA'MINOT MARKAZI XF

### ЎСМИРЛАР КУРТКАСИ

- 1 SEZGIN PLUS MCHJ
- 2 HAMNAFAS HAMKOR MCHJ
- 3 KELAJAK XIZMAT TA'MIR QURILISH XK
- 4 KOMET AND MCHJ
- 5 CHERNOBIL JAMA CHK
- 6 OLIS KOINOT MCHJ
- 7 FAYZLI SARDOR XK
- 8 SATURN PLUS YUPITER MCHJ
- 9 KALINA LUX MCHJ
- 10 SAPFIR INVEST ELIT MCHJ
- 11 AGROMASHSTROYTORG SERVIS MCHJ
- 12 FLOUR OIL TECHNOLOGIES GROUP MCHJ
- 13 TO'MARIS ELEGANT MCHJ
- 14 ULUG' BAHOR KTF
- 15 XUSHBAXT ELEGANT XK
- 16 AND DUR XF
- 17 O'zbekiston nogironlar jamiyati Shahrixon tuman bo'limi qoshidagi SHAHRIXON SHUHRATI XK
- 18 ORZU ATTORLIK MCHJ
- 19 ZEVA TRADING SAVDO MCHJ
- 20 TILSIM BURG MCHJ
- 21 ISTAMBUL TEKS MCHJ
- 22 BEQASAM ICHSK
- 23 CHAROG'ON ZAMIN XK
- 24 ROHAT SAVDO SERVIS MCHJ
- 25 GOLDEN FANTASY MCHJ
- 26 LOCHIN XSICHF
- 27 ARDUS MILLENIUM XK
- 28 ISHONCH IMKON HAMROH MCHJ
- 29 SHOH JAHONGIR MIRZO MCHJ
- 30 KAPITAL TA'MINOT SERVIS MCHJ
- 31 UMIDBAXSH IMKON XK
- 32 MAKS BIZNES MCHJ
- 33 PANE LUX XK
- 34 HURTEX XK
- 35 FAVORIT INTER SAVDO MCHJ
- 36 VODIY FAYZ BARAKA SANOAT SAVDO MCHJ
- 37 IQBOL KTXK
- 38 HUR FERUZ MCHJ

### БОЛАЛАР ПОЙАФЗАЛИ

- 1 KOSONSOY AL AZIZ MCHJ
- 2 MOVISTAR XK
- 3 INTER GIGANT SERVIS XK
- 4 FARSAF UNIT MCHJ
- 5 MUHAMMAD YUSUF XF
- 6 AZIZ LATIF XKT
- 7 MEGA ALFA SANOAT MCHJ
- 8 YEVROPA EKSPRESS MCHJ
- 9 SAVDO BROKER XK
- 10 SEUL-AND LUX MCHJ
- 11 SAMO LYUKS XK
- 12 WINKLER ICHK
- 13 HAMKOR DAVR XK
- 14 SANOAT MEROJ XK
- 15 GRETA SOFT TRADING MCHJ
- 16 MAKS SERVIS SAVDO MCHJ
- 17 SHUKUR SEHRI MCHJ
- 18 EZGULIKKA YO'L XK
- 19 SUDAYSI KTICHSF
- 20 TEKST PLAST KTSICHF

### ЎСМИРЛАР ПОЙАФЗАЛИ

- 1 O'RIKZOR QUVONCHI XK
- 2 XIZMAT GARANT ELIT XK
- 3 INTER GIGANT SERVIS XK
- 4 ISHONCH IMKON HAMROH MCHJ
- 5 AZIZ LATIF XKT
- 6 FARSAF UNIT MCHJ
- 7 SANJANA LYUKS XK
- 8 AS SAIDISLOM SAVDO XK
- 9 MAFTUN SAVDO RIVOJ XK
- 10 WINKLER ICHK
- 11 SANOAT EKSTRA MCHJ
- 12 AGROMASHSTROYTORG SERVIS MCHJ
- 13 FAYZ AKBAR AZIZ XK
- 14 NUR RAVSHAN MCHJ
- 15 SANOAT MEROJ XK
- 16 FLOUR OIL TECHNOLOGIES GROUP MCHJ
- 17 SAVDO ATLAS XK
- 18 ROHATBAXSH MEZON MCHJ
- 19 YEVROPA EKSPRESS MCHJ
- 20 SHUKUR SEHRI MCHJ
- 21 MUHAMMAD YUSUF XF
- 22 QO'QON POYAFZALI OAJ
- 23 KOMM MCHJ
- 24 TEKST PLAST KTSICHF
- 25 GRETA SOFT TRADING MCHJ
- 26 SEUL-AND LUX MCHJ
- 27 MAKS SERVIS SAVDO MCHJ
- 28 YANGI ZAMON IQBOLI XK
- 29 SAYAR SAVDO LYUKS XK
- 30 SHOHONA ELIT SERVIS XK

### БОЛАЛАР ҚАЛПОҒИ ВА ҚҮЛҚОПИ

- 1 YULDUZ LTD MCHJ
- 2 UNIVERSAL SERVIS ZET MCHJ
- 3 DUR-TEX SERVIS MCHJ
- 4 PRESS SYA MCHJ
- 5 GEFRES KK
- 6 NARGIZ FAYZ ISHONCH MCHJ
- 7 ZEVA TRADING SAVDO
- 8 KAPITAL TA'MINOT SERVIS MCHJ

### 9 SANOAT KUCHI MCHJ 10 NAVRO'Z-PTK MCHJ

### ЎСМИРЛАР ҚАЛПОҒИ ВА ҚҮЛҚОПИ

- 1 UNIVERSAL SERVIS ZET MCHJ
- 2 YULDUZ LTD MCHJ
- 3 ABUZARXON XF
- 4 JAMIL PLUS MCHJ
- 5 AGROMASHSTROYTORG SERVIS MCHJ
- 6 DUR-TEX SERVIS MCHJ
- 7 TADBIR MCHJ
- 8 NAFIS TEXTIL MCHJ
- 9 GEFRES KK
- 10 TIIM SIRIUS MCHJ
- 11 ZEVA TRADING SAVDO MCHJ
- 12 KAPITAL TA'MINOT SERVIS MCHJ
- 13 ULUG'-SUH XF

### ЎКУВЧИЛАР СУМКАСИ

- 1 ORZU ATTORLIK MCHJ
- 2 PARPI OTA XKT
- 3 MADINA-97 XKT
- 4 TEMUR SALTANATI XF
- 5 ATIRGUL G'UNCHASI ICHSK
- 6 ALOQA HAMKOR MCHJ
- 7 MILANO MILLENIUM XK
- 8 SHARQ YULDUZI MCHJ
- 9 IBRAT MCHJ
- 10 MADINABONU BARAKA TIKUVCHI XF
- 11 МРИЯ XSICHH
- 12 XO'JAOBOD MCHJ
- 13 INOQ XKTICHF
- 14 HUR FERUZ MCHJ
- 15 CHIN SHARQ XK
- 16 VISOL NUR ICHK
- 17 CHIN ILHOM XICHK
- 18 ШОХ АКБАР XSICHF
- 19 ORZU OSIYO OPTIMA MCHJ
- 20 SAG'BON TIKUVCHI ELIT MCHJ

### ЎҚУВ КУРОЛЛАРИ

- РАСМ ДАФТАРИ**
- 1 O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI
- ОДДИЙ ҚАЛАМ**
- 1 GRAND MASTER GROUP MCHJ
- РАНГЛИ ҚАЛАМ**
- 1 GRAND MASTER GROUP MCHJ
- ЕЛИМ**
- 1 MALRUSIMPEX MCHJ
- ЎЧИРГИЧ-ЛАСТИК**
- 1 VIP UNIVERSAL XK
- АКВАРЕЛ БҮЁФИ**
- 1 MALRUSIMPEX MCHJ
- ПЕНАЛ**
- 1 XO'JAOBOD MCHJ
- ПЛАСТИЛИН**
- 1 KERAMIKA-KVADRAT MCHJ
- РУЧКА**
- 1 VIP UNIVERSAL XK
- ДАФТАР**
- 1 O'ZBEKISTON NASHRIYOT-MATBAA IJODIY UYI
  - 2 YANGIYO'L POLIGRAF SERVIS MCHJ
- РАНГЛИ ҚОФОЗ ТҮПЛАМИ**
- 1 FAZOGIR-PRINT MCHJ





**Хушхабар тез тарқалади. Эсингизда бўлса, газетамизнинг ортда қолган йилдаги энг сўнгги сонида Равшан Эрматов билан уюштирилган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қылгандик. Очиги, ана шундан сўнг 22 январь кунини интиқлик ва ҳаяжон билан кутдик. Аммо маълум сабабларга кўра, мундиалга борувчи ҳакамлар номини аниқлаш тадбири 5 февраль кунига сурилгач, дикқатимиз икки карра ортди. Ва ниҳоят... ҳаммаси биз истагандай бўлиб чиқди!**

Футбол бўйича халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси Равшан Эрматов жорий йили Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)да ўтказиладиган жаҳон чемпионатини бошқариш хукуқини берувчи гувоҳнома эгасига айланди! Шу тариқа футбол жамоамизга орзулигича қолиб келаётган чўққини ўзбек ҳаками биринчи бўлиб ишғол қылган ҳолда тарих зарвараclariga муҳрланди.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтган йирик анжуманда жами 28ta мамлакатнинг 30 нафар бош ҳаками испаниялик Анхель Мария Вильяр Льон раҳбарлигидаги саралаб олинди. Мазкур ҳакамлар бригадаси ЖАРда ўтказиладиган мундиални ташкил этувчи 64ta ўйинни навбатма-навбат бошқариб боришади.

Энг қуонарлиси, умидли ўзбек рефериси билан биргаликда "қора қитъя"га яна бир ўзбекистонлик ҳакам — Рафаэл Илесов ҳам йўл олиши маълум бўлди. Фақат Р.Илесов бош ҳакам мимизига ён чизикларда ёрдамчиллик килади. Равшан Эрматовнинг иккичи лайнсмени эса қирғизистонлик Баҳодир Кўчкоровdir.

Очиги, Р.Эрматов бошқарадиган ўйинларда майдонда тўп суроётган асосий фигуранлар — икки жамоа бир четда қолиб, ҳамюрларимизга ишқибозлик қилиб кетмасак бўлгани. Бундай улкан муваффакиятдан хабар топган миллий терма жамоамиз мутасаддилари ва футболчилар илҳомланган, ўз кучи ва шижоатига нисбатан ишонч ҳисларини туйган бўлишса, ажаб эмас.

Китъамизнинг икки карра тенгиз ҳаками деб топилган, дунё бўйича 14-ўринда кўрсатилган Равшан Эрматов катта футбол байрамигача бир қатор халқаро ўйинларни бошқаради ва ФИФАнинг ўкувтренингларида иштирок этиб билим ва тажрибаларини мустаҳкамлайди ҳамда 11 июнь куни бошланадиган жаҳон биринчилигига муносиб тайёргарлик кўради.

Ўзбек бош ҳакамидан ташқари, Осиёдан яна уч нафар рефери танлаб олинди. Булар: 40 ёшли Халил Иброним ал-Ҳамдий (Саудия Арабистони), 44 ёшли Субҳиддин Мухд Солих (Малайзия) ва 38 ёшли Юичи Нишимура

# «ЖЧ–2010» ЭНДИ БИЗСИЗ ЎТМАЙДИ

**бунинг сабабчиси — Равшан Эрматов бугун жаҳон нигоҳида!**

(Япония). Лайнсменлар орасида эса Эрон, БАА, Хитой, Сингапур, Япония ва Жанубий Корея давлати вакиллари номлари кўрсатилган.

Равшан Эрматов Африканинг жанубига йўл олган малакали бош ҳакамлар орасида иккичи энг ёш мутахассис экани ҳам эътиборга молик. Энг кизиги, у айрим футболчилардан ҳам ёшроқ: 32 ёшда!


Дастлабки ўй-фикрлар таъсирида ёзилган хабарни якунлашдан олдин бир ҳақиқатни таъкид-

лаш ўринлидир. Эрматов билан боғлиқ навбатдаги истагимиз факат битта бўлади: қани энди унинг бригадаси мундиал финалини бошқарса! Эҳтимол бундайин хоҳиш миллионлаб ўзбек футбол ихлосмандларининг кўнглидан аллақачон кечган бўлса керак. Керакли маррани бехато "нишон"га олган ўзбек ўғлонига "ЖЧ–2010"да ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз!

**Зоҳиджон ХОЛОВ**



## 2010-yil — Barkamol avlod yili



Қарши ахборот технологиялари касб-хунар коллежида етти мутахассислик бўйича 900 нафардан ортиқ ўкувчи таҳсил олмоқда.

Коллеж синф хоналари компьютер ва техник

воситалар билан жиҳозланган. Бу ёшларнинг билим ва кўнижмаларни эгаллашига кўмаклашмоқда.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

**Шомурод Шаропов (ЎзА) олган суратлар.**

## Ma'rifat

**TA'SIS ETUVCHILAR:**  
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Olyi va o'rta maxsus ta'lum vazirligi, O'zbekiston Ta'lum va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtinchalik bajaruvchi:  
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'ST MUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinnbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinnbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-122.  
Tiraji 46517.  
Hajmi 8 bosma taboq.  
Ofset usulida bosingan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Oybuvli OCHILOVA.  
Navbatchi:  
Behzod FAZLIDDINOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifiga qaytarilmaydi.

© belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta maktabgacha ta'lum yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, olyi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lumi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalarini yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lum yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aktionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqt — 21.00.  
Topshirildi — 22.30.  
ЎзА якунни — 21.00